O'ZBEKISTON RESPUBLIKASI MILLIY KITOB PALATASI
INV. №

# O'zbekiston adabiyoti va san'ati

ЎЗБЕКИСТОН АДАБИЁТИ ВА САНЪАТИ

Haftalik gazeta • 1956-yil 4-yanvardan chiqa boshlagan • www.uzas.uz • 2007-yil, 21-dekabr • № 51 (3931)

23 декабр — Ўзбекистон Республикаси Президенти сайлови куни

## ОЗОД ВА ОБОД ВАТАН УЧУН ОВОЗ БЕРАМИЗ

***Яна икки кундан кейин ҳар биримизнинг ҳаётимизда, мамлакатимиз ижтимоий-сиёсий ҳаётида муҳим воқеа — Ўзбекистон Республикаси Президенти сайлови бўлиб ўтади. Мустақил Ватанимизнинг янада гуллаб-яшнаши, халқимизнинг фаровон ҳаёти, тинч-тотув турмушимизнинг бардавомлиги билан бевосита боғлиқ бу сайловда фаол қатнашиш, мамлакат Конституциясида белгилаб қўйилган ҳуқуқимиздан фойдаланиб, эртанги кунимиз, орзу-умидларимизнинг рўёбга чиқиши учун овоз бериш ҳар биримизнинг бурчимиздир.***

Истиқлол йилларида мамлакатимизда биргина маданий-маърифий соҳада юз берган ўзгаришлар тўғрисида жуда узоқ гапириш мумкин. Ўзлигимизни, ўтмиш тарихимизни англаш, миллатимиз ва халқимизнинг қаддини тиклаш, қадимий ва бой маданиятимиздан, маънавий меросимиздан баҳраманд бўлиш, эл-юртга садоқат билан хизмат қилаётган фидойи инсонлар, жумладан ижодкор зиёлилар меҳнатини қадрлаш, уларни қўллаб-қувватлаш борасида амалга оширилган чора-тадбирларга ҳаммамиз гувоҳмиз. Президент Ислом Каримовнинг мамлакатимиз илм-фани, адабиёти ва санъатини, иқтисодий салоҳиятини ривожлантиришга, Ўзбекистоннинг халқаро майдондаги обрў-эътиборини ошириш, халқимизнинг маданияти ва маънавиятини юксалтиришга, соғлом ва баркамол авлодни тарбиялашга муносиб ҳисса қўшиб келаётган юртдошларимизни қўллаб-қувватлаш тўғрисида яқинда имзо чеккан Фармони ҳам фикримизнинг ишончли далили бўла олади.



Эркинлик, ошкоралик ва муқобиллик асосида ўтаётган бу муҳим тадбирга бағишланган учрашувларда, номзодларнинг сайловчилар вакиллари билан бевосита мулоқотларида турли касб эгалари, кекса авлод вакиллари билан бирга ёшлар — миллатимизнинг ишончли қанотлари ҳам фаол иштирок этаётгани, айниқса, қувонарлидир. Истиқлол йилларида вояга етган ва биринчи марта сайлаш ҳуқуқидан фойдаланаётган фарзандларимиз билан сўзлашсангиз, уларнинг қувончи чексиз эканлигига гувоҳ бўласиз. Улар ўз овозлари билан фуқаролик бурчларини адо этадилар, айни чоғда озод ва обод Ватан тараққиётини белгилашда, мамлакатимизда бугун амалга оширилаётган кенг қамровли ислоҳотларнинг бундан буён ҳам изчил давом этишини таъминлашда бевосита иштирок этадилар.

Ёшлар кўнглидаги бу кўтаринкиликнинг сабаби бор, албатта. Истиқлол йилларида ўсиб келаётган ёш авлод тарбияси, уларнинг ҳар жиҳатдан баркамол инсон бўлиб вояга етиши, истеъдодларини тўла намоён этишлари учун зарур бўлган шарт-шароитларни яратиш давлатимизнинг доимий диққат-эътиборида бўлиб келди. Истиқлолимизнинг маънавий тамойиллари таъсирида улғаяётган янги авлод вакилларига ҳар жиҳатадан катта ишонч билдирилди. Буни ҳаётимизнинг барча соҳаларида, хусусан, илм-фан, маданият ва спортда кўриш мумкин.

Яқинлашиб келаётган 2008 йил Президентимиз ташаббуси билан "Ёшлар йили", деб эълон қилинди. Ёш авлод бу ғамхўрликка жавобан Ватанимизнинг иқтисодий, илмий-маданий салоҳиятини янада ошириш, турмуш тарзимизнинг бундан буён ҳам фаровонлашиб боришини таъминлаш борасида ўзлари учун яратиб берилган имкониятлардан тўла фойдаланади ва янги-янги зафарларга эришади, деган умиддамиз.

Ҳаёт ўз ўзанида тўхтовсиз давом этади. Аммо ҳамма замонларда ҳам инсоннинг моддий ва маънавий эҳтиёжлари ошиб боришдан асло тўхтамаган. Янги шароит, янги имкониятлар, табиийки, янги эҳтиёжларни келтириб чиқаради. Узоққа бормай, биз катталар, собиқ тузум шароитида кечган ҳаётимиз билан бугунги кунимизни қиёслайлик — орадан ўтган шу қисқа вақт ичида нечоғли буюк, мислсиз ўзгаришлар содир бўлди, энг қизиғи, бу ўзгаришлар эндиликда жуда кўпчилигимиз учун оддий воқеликка айланиб қолди. Бугун отаси кўча ҳатлаб, қишлоғидан нарига чиқмаган ўзбек деҳқонининг фарзанди жаҳон чемпиони, дунё миқёсидаги танлов ғолиби ёинки муҳим илмий ихтиро муаллифи бўлса, албатта, бундан хурсанд бўламиз, кўнглимиз тоғдек кўтарилади. Не бахтки, деярли ҳар куни дунёнинг қай бир кошонасида Ўзбекистон байроғи кўтарилиб, мадҳиямиз янграмоқда. Шундай бўлиши керак-да, ахир. Юртбошимиз бизнинг олис ўтмишда ҳам, кеча-яқинда ҳам ҳеч кимдан кам бўлмаганимизни, бу мавқеимизни бировга асло бериб қўймаслигимизни кўп бор таъкидлайди. Шу шиддат, шу шижоат, шу азму-қарор бизга ҳамроҳ экан, биздан келажак авлодларга наинки озод ва обод Ватан, айни чоғда буюк маънавият, аҳиллик ва иноқлик, меҳр-оқибат ҳам қолади.

Шу умид, шу орзу учун овоз берайлик!



## БАЛЛИ, ЕКАТЕРИНА!

*Ёшлар ижоди*

Бугун рангтасвир соҳасида ижод қилаётган ёш ижодкорларимиз сафи кенгайиб бормоқда.

Ана шундай ёш рассомларимиздан бири, кўплаб кўрик-танловлар ғолиби Екатерина Ивановадир. У мактабда ўқиб юрган кезларида рақс ва тасвирий санъат тўгарагига қатнашарди. Кейинчалик эса тасвирий санъат соҳасини танлади. Бу ҳақда рассом шундай дейди:

— Менинг назаримда тасвирий санъатнинг имкониятлари чексиз-чегарасиз. Қўлимга қалам олишим билан бутун вужудимни ижод завқи қамраб олади. Рангтасвир асарлари билан миллионлаб кишилар қалбига ёғду сочиш мумкин. Томошабин ўзингизни кўрмаса ҳам, асарларингиз орқали сизни, қалбингизни кўрадилар ва ҳис қиладилар.

Екатерина ҳозир Камолиддин Беҳзод номидаги Миллий рассомлик ва дизайн институтининг дастгоҳли рангтасвир бўлимида таҳсил олаётир. Ёш рассом ижодий йўналишининг эътиборли томони шундаки, у яратган ўзига хос асарларда ранглар уйғунлиги кўзга ташланади, табиат манзараларидан миллийлик руҳи уфуриб туради. Екатерина Иванова Бадиий академия ташкил этган кўргазмаларда доимо қатнашиб келмоқда. Унинг асарлари аллақачон мутахассислар ва мухлислар эътиборига тушган. Энг сара асарлари мамлакатимиз маданият масканлари ва хорижий коллекциячилар тўпламларидан муносиб жой олган.

**Дилором БЕРДИЕВА**

***Суратда: Е.Иванова ижодхонасида.***

## ЁШЛАР МИЛЛАТ ҚАНОТИ

Президентимиз Ислом Каримов ташаббуси билан янги 2008 йилни "Ёшлар йили" деб эълон қилингани биз ёшлар томонидан чексиз қувонч ва фахр билан кутиб олинди. Бу, албатта, мамлакатимизнинг навқирон авлодига кўрсатилаётган ишонч ва эътиборнинг юксак намунасидир.

Ҳозирги кунда бошқа соҳалар каби таълим соҳасида ҳам самарали ислоҳотлар олиб борилмоқда. Таълим жараёни замонавий технологиялар, жаҳон андозаларига мос дастурлар асосида олиб борилаётгани ушбу соҳа сифатини янада юқори даражага кўтармоқда. Бу каби изланишлар натижасида юртимиз келажаги учун етук кадрлар тайёрланмоқда.

Ёшларимиз спорт, санъат, адабиёт ва бошқа кўплаб соҳаларда жаҳон миқёсида қўлга киритаётган ютуқлари билан ўзларига билдирилаётган ишончни оқлашга интилмоқдалар.

2008 йилнинг "Ёшлар йили" деб эълон қилиниши юртимиз ёшларининг билим олишлари ва ўз истеъдодларининг янада тўла намоён этишларига кенг имкониятлар яратиши, шубҳасиз.

**Нигора НИЗОМОВА,**
**ЎзМУ талабаси**

## ИСТИҚЛОЛ ВА АДАБИЁТ

***Ўзбекистон Республикаси Президентлигига сайлов халқимиз ҳаётида муҳим аҳамиятга эга бўлган ижтимоий жараёндир. Унда халқимизнинг иродаси, қонуний ҳақ-ҳуқуқи, ишончи ва орзу умиди намоён бўлади. Жойларда номзодлар билан сайловолди учрашувлари қизғин ўтди. Бу жараёнда ёзувчи-шоирлар ҳам фаол қатнашмоқдалар. Бундай учрашувлар ҳосил байрамларига, ёшлар билан суҳбатларга уланиб кетмоқда. Айни кунларда юртимиздаги ҳар бир йиғину тадбирларда сайлов мавзуси алоҳида мазмун касб этмоқда.***

Куни кеча Қашқадарё вилоятининг Ғузор туманида ва Қарши давлат университетида бўлиб ўтган тадбирларда ҳам ушбу мавзуда сўз борди. Вилоят ҳокими Нуриддин Зайниев, Ўзбекистон Қаҳрамони, Халқ шоири Абдулла Орипов Ғузор тумани меҳнаткашларини қут-барака ва ҳосил байрами билан табриклаб, уларни мамлакатимизнинг озод фуқароси сифатида Ўзбекистон Республикаси Президенти сайловида фаол иштирок этишга даъват этдилар.

Севимли шоиримизнинг Ватан ва мустақиллик мавзусида ўқиган шеърлари йиғилганларга завқу шавқ бағишлади.

Куннинг иккинчи ярмида Қарши давлат университетида "Абдулла Орипов сабоқлари" мавзусида талабалар билан давра суҳбати бўлиб ўтди. Унда Қўқон, Хоразм, Самарқанд адабий муҳитлари каби Қашқадарё адабий муҳити ҳам адабиётимизда муҳим аҳамиятга молик экани, ушбу адабий муҳит, айниқса, Истиқлол даврида жадал ривожлангани, унда Ўзбекистон Қаҳрамони Абдулла Ориповнинг ўрни беқиёс экани ҳақида сўз борди. Ардоқли шоир талабаларга Истиқлол ва адабиёт мавзусида мароқли сабоқ берди. Қарши Давлат университети ректори Бейназар Йўлдошев, таниқли шоирлар Исмоил Тўхтамишев, Ҳол Муҳаммад Ҳасан, Рустам Мусурмон ўз дил сўзларини изҳор этдилар.

**Ўз ахборотимиз**

*Ёзувчилар уюшмасида*

## ИСТЕЪДОД ХАЛҚ БОЙЛИГИ

Ўтган жума куни Ёзувчилар уюшмасида бўлиб ўтган фаоллар йиғилиши 2007 йилги адабий жараён таҳлили ва ёш ижодкорларнинг фаоллигини ошириш, уларнинг янги китоблари нашри билан боғлиқ масалаларга бағишланди. Уюшма раиси Абдулла Орипов шу ҳақда фикр юритиб, эндиликда нашриётларимиз Ёзувчилар уюшмаси тавсияси билан "Биринчи китоб" рукни остида ёш ижодкорларнинг сара асарларини чоп этишга тараддуд кўраётганини айтди. 2008 йилнинг Юртбошимиз томонидан "Ёшлар йили" деб эълон қилингани ҳам бу борада истиқлол йилларида изчиллик билан амалга ошириб келинаётган ишларга янги мазмун бағишлайди.

Истеъдодли ёш ижодкорларнинг Зулфия номидаги давлат мукофотига сазовор бўлаётгани, Миллий университет қошида адабиётимизнинг умидли ёшлари учун Олий Адабиёт курси фаолият кўрсатаётгани, Зомин ва Элликқалъа туманида бўлиб ўтаётган ёшларнинг анъанавий адабий анжуманларида кўплаб истеъдод соҳиблари ижодларини намоён этиб, устозлар сабоғидан баҳраманд бўлаётганлари таъкидланди. Бу борада "Ёшлик" журнали фаолиятини янада кучайтириш, уюшмада ва олий ўқув юртларида ўтказиб келинаётган мушоираларни янада эсда қоладиган қилиб ташкил этиш, келгуси йили ёшлар ижоди бўйича альманах чиқариш ҳамда болалар адабиёти кенгаши ишини жонлантириш таклифлари илгари сурилди. Ёшлар йили муносабати билан тузиладиган тадбирлар дастурида ижоднинг барча жанрлари бўйича пойтахтда ёшларнинг адабий семинарлари уюштирилишини кўзда тутиш, шунингдек, "Камолот" ёшлар ижтимоий ҳаракати, Олий ва ўрта махсус таълим вазирлиги, радио, телевидение билан ҳамкорликда ёшларнинг энг яхши ижод намуналари танловларини ўтказиш таклифлари илгари сурилди. Айни чоғда, уюшма раиси Ургут, Паркент ҳамда Шаҳрихон туманлари раҳбарларидан ҳам анъанавий ижодий анжуманларни ўтказиб бориш юзасидан таклифлар тушаётганини айтиб, ёш ижодкорларга, умуман, адабиётимизга давлатимиз ва халқимиз томонидан ҳамиша катта эътибор кўрсатиб келинаётганини таъкидлади. Ўзбекистон халқ ёзувчиси Муҳаммад Али, Ўзбекистон халқ шоири Маҳмуд Тоировлар шу ҳақда фикр юритиб, бу тадбирлар мамлакатимизнинг турли минтақаларидаги адабий ҳаракатчиликни янада кучайтириш ва ёш ижодкорларни рағбатлантиришга хизмат қилади, деди.

Йиғилишда, шунингдек, адабий жанрлар бўйича уюшма ижодий кенгашларининг йиллик ҳисоботларига тараддуд ҳамда келгуси йили улуғ саркарда ва ҳассос шоир Заҳириддин Муҳаммад Бобур таваллудига 525, мумтоз шоиримиз Зокиржон Холмуҳаммад ўғли Фурқат таваллудига 150, Абдулла Авлоний таваллудига 130, Мақсуд Шайхзода таваллудига 100, Шуҳрат, Раҳмат Файзий, Толиб Йўлдош каби шоир ва адибларнинг таваллуд саналарига эса 90 йил тўлиши ҳақида ҳам ахборот берилди.

Ўзбек адабиёти намуналарини рус тилига таржима қилишдаги ютуқлари учун Ўзбекистон халқ шоири Александр Файнберг ва таниқли таржимон Раъно Азимова мамлакатимиздаги Россия элчихонаси томонидан уюштирилган танлов ғолиби сифатида эътироф этилгани муносабати билан уларни ҳамкасб ижодкорлар қизғин қутладилар. Ўзбекистон халқ шоири Усмон Азим ҳамда бошқа ижодкорлар шу муносабат билан "Жаҳон адабиёти" журналида дунё адабиётининг энг сара асарларидан намуналар бериб борилаётганини таъкидлаб, таржимонлар доирасини янада кенгайтириш, оригинал тилидан бевосита ўзбек тилига ўгириладиган бадиий асарларни йиллик режа тузган ҳолда олдиндан буюртма бериш орқали таржима қилиш ҳамда шеърий асарлар таржимонини танлашда услублари бир-бирига яқин ижодкорлар билан ишлаш зарурлиги юзасидан ўз таклифларини айтди. Бу турли адабий услуб ва ижодий мактабга мансуб шоирлар шеъриятининг ўзбек тилидаги жаранги бир хил қолипга тушиб қолишининг олдини олган бўлур эди.

Йиғилишда сўзга чиққан Эркин Самандаров, Муҳаммад Али, Бахтиёр Назаров, Усмон Азим, Сафар Остонов ва бошқа ижодкорлар айрим адабиёт ва тарих дарсликларидаги чалкашликлар, мактаб ўқувчиларининг дафтарлари муқовалари машҳур саркарда, аллома ва ижодкорларнинг суратлари ўрнига кейинги вақтда нуқул матни саёз ва атиги бир мисра сўз ўн-ўн беш марталаб такрорланадиган қўшиқлари билан тингловчилар дидини бузаётган эстрада хонандалари суратларига тўлиб кетгани, ойнаи жаҳон эса аҳолини саломат бўлишга, чиниқишга чорловчи даъватлар ўрнига кечаю-кундуз дорилар рекламаси билан асабни бузаётгани ҳақида ҳам ташвиш билдирдилар ва келгусида бу масалаларни соҳа мутасаддилари иштирокида муҳокама этиш юзасидан ўз мулоҳазаларини баён этдилар.

Фаоллар йиғилишида ижодкорлар Сафар Остонов, Норқобил Жалил, Адҳамбек Алимбеков ва Абдукамол Раҳмонов уюшма аъзолигига қабул қилинди.

**БИЛДИРИШ**

26 декабр куни соат 11.00 да Мирзо Улуғбек номидаги Ўзбекистон Миллий университети Маданият саройининг кичик залида таниқли адабиётшунос олим, адиб ва таржимон Иброҳим Ғафуровнинг ижодий кечаси бўлади.

Шоир-ёзувчилар, адабиётшунослар ва барча қизиққанлар таклиф этилади.

**Ўзбекистон Ёзувчилар уюшмаси**

## МАҲОРАТ ЭЪТИРОФИ

Аввал хабар қилинганидек, Ўзбекистон Ёзувчилар уюшмасида таниқли таржимон Низом Комилов таваллудининг 70 йиллигига бағишланган ижодий кеча бўлиб ўтди. Кечани Ўзбекистон Қаҳрамони, Ёзувчилар уюшмасининг раиси Абдулла Орипов олиб борди.

Бадиий таржима — ижоднинг энг машаққатли соҳаларидан бири десак, асло муболаға бўлмайди. Бошқа бир халқ, маданият ёхуд бошқа бир даврга тааллуқли асарни таржима қилиш учун таржимонга ўз тилини мукаммал билишининг ўзи етарли бўлмайди. Бундай масъулиятни зимммасига олган ижодкор таржима қилаётган асари қаҳрамонлари руҳи, ички дунёси, воқеа-ҳодисалар кечаётган макону замонга тегишли миллий-инсоний қадриятлар, халқнинг азалий удумларидан ҳам бохабар бўлиши керак. Шундагина асарнинг ғоясини бошқа бир тилда асл нусха даражасида ифодалаш мумкин бўлади.

Низом Комилов узоқ йиллар давомида бу мураккаб ишни қойилмақом қилиб бажариб келаётган зукко ва истеъдодли таржимонларимиздан бири. Ўтган асрнинг сўнгги чорагида жаҳон ва қардош халқлар адабиётига тегишли бир туркум сара асарларни ўзбек тилига маҳорат билан ўгириб, ўзбек китобхонларини дунё адабиёти ва маданияти билан таништиришга ўзининг муносиб ҳиссасини қўшди. У бугун ҳам бу ишни собитлик билан давом эттириб келмоқда.

Таржима ишининг муҳим бир жиҳати шундаки, ижодкор бирор бир асарни ўз тилига ўгирар экан, шубҳасиз, унинг сўз бойлиги, билими, дунёқараши муттасил бойиб, тиниқлашиб боради. Жорж Сименон, Нодар Думбадзе, Александр Беляев асарларини бизга ўзбекчалаштириб берган Низом Комиловда ҳам буни яққол кўриш мумкин.

Йиғилишда сўз олган Ўзбекистон халқ шоирлари Анвар Обиджон, Маҳмуд Тоир, адабиётшунос Абдулла Аъзамов, таниқли шоирлар Азим Суюн, Мирпўлат Мирзо, Турсун Али ва бошқалар Низом Комиловнинг адабиётимиз, миллий маданиятимиз равнақига, хусусан бадиий таржима ривожига қўшган ҳиссасини алоҳида таъкидлаб ўтдилар. Бугун турли халқлар, маданиятлар ўртасидаги адабий алоқаларга эҳтиёж кучайиб бораётгани сир эмас. Мустақил мамлакатимизнинг бугунги маънавий қиёфаси, янги маданияти ва тафаккури, янги қаҳрамонлари тўғрисида дунё халқларини бадиий адабиёт орқали хабардор қилишимиз нечоғли муҳим бўлса, бошқа маданият ва адабиётлардан баҳрамандлигимиз ҳам шу даражада муҳим. Шундай экан, устоз Ғайбулла Саломов бошлаб берган таржимашунослик мактабини кенг маънода йўлга қўйиш, бунда таниқли устоз таржимонларимиз тажрибасидан унумли фойдаланиш ниҳоятда ўринли бўлур эди.

Кечада Ёзувчилар уюшмаси қошидаги бадиий таржима ва халқаро алоқалар кенгаши ишини янада кучайтириш, хусусан ёш таржимонлар мактаби фаолиятини йўлга қўйиш таклифи муҳокама этилди ва маъқулланди.

**Ўз ахборотимиз**

**Азиз муштарийлар!**

**"Ўзбекистон адабиёти ва санъати"га**

**2008 йил учун обуна давом этмоқда.**

Узоқ йиллик самарали ҳамкорлигимиз давом этишини истасангиз, обунани вақтида расмийлаштириб қўйишни унутманг!

Газетамиз изчил, мазмунли ва қизиқарли чиқиши сиз азиз газетхонларга ҳам боғлиқ. Бунинг учун уни йил давомида ўқишингиз, таклиф, фикр ва мулоҳазаларингизни таҳририятга ёзиб юборишингиз зарур.

**Обуна чекланмаган.**

*Нашр кўрсаткичимиз — 222*

Насиба ЮСУПОВА

# СОҒИНЧ ЭШИГИ



Шовуллади Сўз бўлиб ёмғир,
Тўзғиб кетдим куйларга монанд.
Руҳимда туғёнлар гупирди,
Қилавердинг қайта-қайта рад.

Ёмғир — ўзи энг гўзал қўшиқ,
Куйман — тошган қирғоқларидан.
Ёмғир, қайси октавадасан,
До... Ре... ўсди титроқларимдан.

Мен-ку мумтоз ёмғирлар каби
Чайқаляпман нотага монанд.
Бунда ҳамма нарса мусиқор,
Ёмғир — оҳанг... оркестр... санъат...

Ёмғир, томчи — энг гўзал рақс,
Қўшиқ ва мен — энг гўзал эрмак.
Ёмғир, агар сен тўхтамасанг,
Томиб-томиб тугайди Юрак.

Шовуллади Сўз бўлиб ёмғир...

* * *

Мен тинмай югурдим,
мен тинмай чопдим,
Фошман, сернуқсонман,
парокандаман.
Муҳаббатдан сабоқ
олганда балким,
Орам очиқ эди
бу дунё билан.

Нега суратимга
ишонасиз сиз?
Қўшиқ куйлаб ўтмаганман
бутун умр.
Оҳангига уча кўрманг,
улар менинг —
Йиғиларим, Изтиробим,
Дардларимдир.

Билолмадим бу дунёдан
нима ютдим,
Бой берилган фурсатларим
эди кўпроқ.
Ишқ сўрадим, ишқ тиландим,
ишқ ўтиндим,
Наҳот, кўнглим бугун
битта шиша чироқ.

Жонимни ушатиб,
умрим бергудай,
Мен бир ишқ истадим,
бир ишкки қадим.
Дилимда ғалаён
кўчмаганида,
Тасбеҳ донасига
айланар эдим.

Кимманки, иддао
қиламан ёниб,
Бўзлайман, титрайман,
қақшайман, яъни —
Битта кипригига
арзирмиканман
Ишқда
Робия ал-Адаввиянинг.

Менинг дилим — Осмон,
кўнглим — муҳташам.
Юрак — ёмғирларнинг
рубобий куйи.
Минг шукр,
оҳларга мукофот бўлдим.
Тангрим, фақат
ишқим беҳудамиди?!
Мен тинмай югурдим,
мен тинмай чопдим...

* * *

Шу бугун сиренлар гуллайди,
Тилсимлар тирилган нафасда.
Майли, биз диллардан қувилдик,
Дилимиз ҳозир ҳам қафасда.

Шу бугун ёмғирлар ўпдилар,
Ишқсиз яланг юрагимизни.
Муҳаббатга раво кўрайми,
Сирен бўлиб гуллаган қизни.

Сиёҳларга таваллуд бериб,
Рангларидан туғилса-да ёш.
Ифоридан осмон гуллайди,
Бизни яхши кўрмайди Қуёш.

Ёмғир дедик, дард ва ғам дедик,
Булут бўлдик ахир камида.
Кўнглингни бир сўрамабман ҳам,
Ҳеч бўлмаса булут рангида.

Бизнинг борар Осмонимиз кенг,
Бу сиренли сирларимиз фош.
Биз диллардан қувилдик, майли,
Бизни ёмон кўрмайди Қуёш.

Шу бугун сиренлар гуллайди...

* * *

Ой — Осмон бағрига чекилган имзо,
Жоним жонинг узра жон топган чечак.
Турфа бўёқларнинг таваллудидан
Бўй чўзиб, қад ростлаб боради юрак.

Жоним пардасига ўралган руҳдай
Соғинч эшигини қоқади оғриқ.
Ҳеч озор етмагай заволларимдан,
Ҳеч нарса топмадим кўнглимдан ортиб.

Томирим дарёси лолазор янглиғ
Қалбинг китобидан очган саҳифа.
Кўзингдаги мунглар менинг исмимми,
Сочингдаги қорлар менга дафина...

Юлдузлар юзларин кўз-кўз қилгайдир,
Юлдузлар юрагим тагида ёнар.
Ой — Осмон бағрига чекилган имзо,
Соғинч — зумраднафас
майсадай қамар.

Сенинг бу дунёдан не хабаринг бор,
Вужуд эҳромлари қулаш пайида.
Ҳаёт тилсимлари мангу донишманд,
Исминг — умримдаги Буюк Қонда...

Баҳодир ХУДОЙБЕРГАН

# ШУНДАЙ ГЎЗАЛ ТУГАСИН ЭРТАК



## МЕН СЕНИ СЕВАМАН...

*Севсам... Яна дардлар юзимга чиқар,*
*Жайхуннинг суви ҳам кўзимга чиқар.*
*Бузилиб жаҳоннинг шамойил-шакли,*
*Унинг акс-садоси сўзимга чиқар.*
*Кўнглим алланечук сархуш айёмдан,*
*Бир мисра шеър ўқиб Умар Ҳайёмдан,*
*"Лазги" ҳам мавж олса*
*қудратли жомдан,*
*Бирма-бир парилар базмга чиқар.*
*Оловдай шаштимдан*
*қайтдим мен нечун,*
*Сени севмайман деб*
*айтдим мен нечун,*
*Йиғласанг, қўл силтаб*
*кетдим мен нечун,*
*Аччиқ кўзёшларим бўғзимга чиқар.*
*Мен сени севаман! Эзилдим кўриб,*
*Не бўлди, сен мендан юзинг ўгириб?*
*Сени ғамгин куйга рақс тушириб,*
*Вужудим пойингга таъзимга чиқар...*
*Севсам дардлар яна юзимга чиқар.*

## ГУЛ ВА НУР

*"Кўзни юмгил, кўзга айлансин кўнгил",*
*Отилган вулқондай, тонгги шабнамдай.*
*Эрисин, тош бўлган марварид ва гул*
*Тун билан курашган бир ёлғиз шамдай.*
*Парча-парча бўлсин ичингдаги муз,*
*Қушлар учиб келсин, очилсин куртак,*
*Ғозлар қўним топсин хавфу хатарсиз*
*Ва шундай чиройли тугасин эртак!*
*Фалакдан битта нур тушгунча Сенга!*

## КЛЕОПАТРА

*Дунё чексиз экан, мўъжизалар кўп,*
*Тангри қудратига шак йўқ, албатта!*
*Мен бир дарё кўрдим, харитада йўқ,*
*Арбатда,*
*Арбатда,*
*Арбатда.*
*Бу қандай дарёдир, бу қандай уммон,*
*Кўксин очиб турар яхши-ёмонга.*
*Тушгача оқади сокин бир томон,*
*Тушдан кейин оқар орқа томонга.*
*Кемалар манзилдан адашиб кетар,*
*Саробдек тутруқсиз чорлайди маёқ.*
*"Елкан туширилсин, бас, энди етар!"*
*Сарбонлар кўтариб турар оқ байроқ.*
*Ҳар куни шу ҳолат, турфа томоша,*
*Турли ҳийлаларни кўриб ҳайронман.*
*Бораман, эрким йўқ, довонлар оша,*
*Кўрсам эзиламан, яна вайронман.*
*Яна кириб келар олам узра тун,*
*Келар томошани кўрмоқ учун Ой.*
*Яна титроқ босар, ёнар вужудим,*
*Ўзимни қўйишга тополмайман жой.*
*Бирдан,*
*дарё ичра вулқондек сапчир,*
*Маликаи жаҳон, борлиқ юраги.*
*Юлдузлар жой берар, осмон тўла нур,*
*Ҳилпираб туради оппоқ кўйлаги.*
*Яна қучоғига чорлайди мени,*
*Яна бошланади чексиз ўпичлар.*
*"Мен сени севаман, севаман сени!"*
*Бизни тўхтатолмас ҳеч қандай кучлар.*
*Рақсга тушамиз, қўл ушлашиб биз,*
*Илоҳий мусиқа келар юлдуздан.*
*(Парини етаклаб юрганмисиз Сиз,*
*Ойнинг шуъласида, сувнинг устида).*

*Менга шеърлар ўқир қўлларин ёйиб,*
*Кўзидан ёшлари тирқираб чиқар.*
*Минг бор лаънатлайман,*
*кимдайкин айб,*
*Бундай дард ҳар қандай мардларни йиқар.*
*Ва яна лабимдан келиб ўпади,*
*Бағрига босади, кўз ёшин артиб.*
*"Сенинг берган меҳринг менга етади,*
*Сен ҳам ташлаб кетма,*
*кетмагин қайтиб!*
*Қолган умрим яшай мен ҳам*
*Сен билан,*
*Ёлғизликка бошқа етмайди кучим.*
*Ҳудойим не учун синовлар берган,*
*Не қилган айбим-чун олмоқда ўчин?"*
*Кўзимга тикилар, ҳеч сўз айтолмам,*
*Қанотим остидан бир паноҳ кутар,*
*Бир сўз айтсам ортиқ,*
*бир сўз айтсам кам,*
*Кўзидан ёшлари тирқираб кетар.*
*Бирдан,*
*қотиб кулар дунё устидан,*
*Тинч осмон нигоҳдан*
*чарсиллаб синар.*
*Кулганча йиқилар ерга юзтубан —*
*Ўша кун чақалоқ аёл туғилар.*
*Мен сезмай қоламан*
*туннинг ўтганин,*
*Кун бўйи тунларни интиқ кутаман.*
*Тун — севги Ватани, дардлар Ватани,*
*Тонг отиб, қирғоқда ҳолсиз ётаман.*
*Бу қандай жодугар яхши ёмонга,*
*Бу қандай дарёдир яхшига ёмон.*
*Тушгача оқади битта томонга,*
*Тушдан кейин оқар тескари томон.*

# Ҳикоя

# ОЛАТЎНЛИК

Холматнинг юрагига ғулғула тушди. У новча бўй, сочлари ўсиқ, чармкамзул кийган йигитнинг анчадан бери кузатиб турганини пайқаб қолган эди.

"Пулга эҳтиёт бўлиш керак, пулга", хаёлидан ўтказди Холмат лаш-лушларини апил-тапил йиғиштираркан. Унинг пишиқ матодан тикилган халтаси пулга тўла. Нақд тўрт юз минг сўм. Салкам олти юз кило олманинг пули бу!

Қўйлиқ бозорига ғира-шира шом қоронғуси инди. Лекин теварак ҳали гавжум. Шовқин-сурон, бақир-чақир авжида.

Холмат яна зимдан ўша ёққа кўз ташлади. Йигит ҳануз писта чаққан кўйи пиёзфурушларнинг "КаМАЗ"и ёнида безовта турарди.

Холмат тиканакдек ўсиб қолган соқол-муртини қашлаб теваракка разм солди. Бу ярамаснинг кўзини шамғалат қилиб қочиб қолиш керак.

Холмат олатўнлик. Ҳа, бу ўзининг ўригию олмаси билан машҳур қишлоқ. Олиб сотарлар ҳар куз Олатўнга ёпирилиб бориб, чорбоғ эгаларидан арзон-гаровга мева-чева ундириш пайида бўлишади. Лекин олатўнликлар ҳам анойи эмас. Осонликча уларнинг найрангига учмайди. Мева-чевани ё қимматига пуллашади, ё ўзлари машинага юклаб пойтахтга олиб келишади. Лекин қишлоқ электр станциясида қоровул бўлиб ишлайдиган Холматнинг бундай олди-сотдиларга кўп ҳам уқуви йўқ. Шу боис боғидаги мева-чеваларни олибсотарларга арзон-гаров бериб қўя қолади.

Бироқ бу мавсум режа андак ўзгарди. Холмат кенжа ўғлининг хатна тўйини қиш олдига мўлжаллаган. Аммо қўл қурмағур — юпқа, бел — ингичка. У қишлоқ кайвониларига дардини дастурхон қилди, маслаҳат сўради.

"Бинойидеккина боғингиз бор, — деди Иброҳим оқсоқол, — олибсотарларнинг сариқ чақасига кўз тикмай, мева-чевани йиғиб, ўзингиз Тошкентга боринг. Ана, сизга даромад, мулла Холмат".

Ҳамқишлоқлари Олқор полвон билан Сайфулла ҳам оқсоқолнинг гапини маъқуллашди.

"Ҳеч ғам чекманг, — деди Олқор полвон тил тагига бир чимдим нос ташлаб, — какраз бизга ҳамроҳ бўласиз. Худо хоҳласа, Сайфулла иккovимиз бу ҳафта Тошкентни кўзлаб турибмиз. Сиз ҳам тараддуд кўринг".

Холмат тараддуд кўрди, ўз боғидан чиққан олма роппа-роса икки юз эллик кило бўлди. Пойтахт сафари учун бу кам. Камига қўни-қўшниларидан олма йиғди. Сотиб келгач, пулини узишга келишишди. Ҳамсоялар андак оғринишса-да, рози бўлишди. Ниҳоят, олти юз кило юк билан йўлга отланди.

Келди, кўрди. Шаҳар деганлари шу экан — ғиж-ғиж одам...

Холмат оғир сўлиш олди. Шунинг баробарида бояги шубҳали нусха томон ошкора кўз ташлади. Йигит ҳам зимдан Холматга тикилиб турган экан. Ногоҳ кўзлари тўқнашди-ю, у дарров нигоҳини олиб қочди.

"Уҳ, ярамас, текинхўр", — хаёлан сўкинди Холмат.

Қоронғулик тобора қуюқлашмоқда. Одамлар оқими анча сийраклашиб қолган. Бозор дарвозаси ёнида уймаланиб турган оғир-енгил автоуловлар бетоқат чинқиради. Кенг кўча бўйидаги, бозор ичи-ташидаги чироқлар бирин-кетин ёна бошлади. Бироқ Холматнинг кўнгли зим-зиё. Юраги безовта.

"Агар ёлғиз бўлса, бир амаллаб тинчитаман", ўйлади у камарига осилган пичоғини пайпаслаб қўяркан.

Аслида, Холмат дўпписини осмонга отиб, қувончдан қийқирса арзийди. Ахир, унинг омади чопди. Беш кундан бери жойидан жилмаган йигирма беш қути олмаси шом олди бирваракайига "оптом" сотилди. Шерикларининг ҳоли не кечди — Худо билади.

Олқор полвон билан Сайфулло, очиқ гап, савдонинг пири бўлиб кетишган экан. Улар Тошкентга етиб келишгач, юкни Қўйлиқ бозорига туширишди. Шу орада корейс кампирнинг торгина ҳовлисидан бир ҳужрани ижрага олишди.

"Ҳали Худо билади, Тошканда қанча турамиз, — деди Олқор полвон. — Ҳарқалай, бошпанамиз бўлгани яхши-да".

Олқор полвон авлиёлик қилган экан. Чиндан ҳам икки кун бир дона ҳам олма сотишмади. Бундан Холматнинг хафсаласи пир бўлиб, тушкунликка туша бошлади. Лекин шерикларининг сиртига сув юқмасди. Афтидан, охир-оқибат кўнгилдагидек савдо бўлишига уларнинг ишончи комил эди.

"Черняевкага кетамиз, — деб қолди Олқор полвон учинчи куни эрталаб, — у ёқда олма Қўйлиқдан кўра қиммат. Икки ҳисса фойда кўрамиз".

Холмат бир сапчиб тушди. Сайфулло эса полвонни қўллаб-қувватлади.

"Тўғри, Черняевкада клиент кўп. Кетдик, Олқор ака".

"Мен ҳеч қаёққа бормайман, — деди Холмат аранг, шерикларига норизо кўз югуртираркан, — мазам йўқ. Нима бўлсам шу ерда бўлай".

Шериклари уни кўндиришга ҳаракат қилишди. Лекин Холмат оёқ тираб туриб олди.

"Бўпти, — деди Олқор полвон охири, — кейин пушаймон чекмасанг бўлди. Сен қолавер. Икки кундан сўнг учрашамиз".

Йўқ. Холмат пушаймон эмас. Қўлинг ўргулсин савдо бўлди-да, ўзиям. Фойданинг ҳам чўғи тузук. Аммо... кўзга тушган чўпдек манави ғурбатни қаранг.

Холмат билинар-билинмас титраётган қўллари билан у ёқ-бу ёғини саришталаган бўлди. Ҳануз қоққан қозиқдай турган ўғринусха томон кўз ташлади.

"Мен унга олатўнлик кимлигини кўрсатиб қўяман. Ҳув, "Зил"нинг панасига ўтиб олсам бўлди, квартирга қараб югураман. Ишқилиб, бир амаллаб кампирникига етиб олсам бўлди. Шериклар ҳам келиб қолишгандир".

Холмат атай олиб қолган бир-икки кило олмани пул солинган тўрва устига тўкди. Ҳалигина нон сотувчи боладан олиб қолган тўрт дона оби нонни ҳам тўрвага тиқиштирди. Хуллас, ўзича пул устини бекитган бўлди.



Аммо олатўнлик улгурмади. Йигит туйқус у томон юрди. Холмат сергакланди, зимдан бир қўлни биқинидаги пичоғи устига қўйди.

— Ассалому алайкум, ака, — йигит ногоҳ тавозе билан салом берди.

Холмат азбаройи шошиб қолганидан аранг, узуқ-юлуқ алик олди.

— Ва алай...

Тавба, қўрққанга қўш кўринар деганлари чин экан, манави боягина кўзига чайир, бақувват йигит бўлиб кўринганди. Ориқ-озғин ўспирин экан-ку, ёши нари борса ўн саккизда. Одоб-ахлоқи ҳам тузукка ўхшайди.

— Кечирасиз, безовта қилдим. Ака, сиз олатўнликмисиз?

— Ҳа, — деди Холмат ҳануз ҳадик-хавотир исканжасида.

— Мен ҳам шундай деб ўйладима... Лекин иккиландим, бироз сизни кузатиб турдим. Охири, сизни танидим ака, истанцияда қоровул бўлиб ишлайсиз-а, исмингиз Холмат, Холмат ака.

— Ҳа, шундай, — деб ғудранди Холмат юзи андак ёришиб, — сен мени қаердан танийсан?

Гўё кўпдан бери излаб юрган одамини учратгандай, йигитнинг юз-кўзига қувонч қалқди.

— Мен хумчалик Икром миробнинг ўғлиман. Исмим Аҳад. Сизни кўп кўрганман, ака.

— Ҳа-а, шундай дегин, — деди Холмат кулимсираб.

Унинг елкасидан тоғ ағдарилгандай бўлди. Хумча шундоққина қўшни қишлоқ. Лекин Холмат Икром деганни тузук танимайди, бир-икки у-бу давраларда кўрган, холос. Лекин манави йигитча худди қон-қариндошига йўлиққандай, хушхандон илжайиб турибди.

— Бу ерларда нима қилиб юрибсан, Аҳад? — сўради Холмат.

— Бу йил ўқишга кирдим, университетга.

— Ўҳ-ў, зўр-ку. Табриклаймиз.

— Раҳмат, лекин... — деб чайналди Аҳад, — са-ал ташвиш чиқиб қолди. Мен контрактга зўрға илашганман Холмат ака. Контракт пулини тўлаб қўйишим керак. Эртага охирги муддат. Агар тўламасам...

— Отанг... хабардорми?

— Ҳа, — деди Аҳад каловланиб. Отам билан телефонда гаплашгандим.

Унинг гоҳ ҳаяжонланиб, гоҳ хижолатланиб тушунтиришича, Аҳад отаси билан телефонда гаплашган. Отаси ҳозир иложим йўқ дебди. Лекин ўн-ўн беш кун ичида албатта пул топармиш.

"Сен унгача, — дебди отаси, — Қўйлиқ бозорига чиқиб қара. У ерда хумчалик, олатўнлик мевафурушлар кўп, бирортасидан пул олиб, контрактни тўла. Ўша одамга мен қишлоққа келгач, пулини қайтараман".

— Шунинг учун бозорга чиққандим, — деди Аҳад энтикиб, — сизни менга Худо етказди.

Олатўнликнинг дами ичига тушиб кетди. "Об-бо, ўғридан баттарига йўлиқдим-ку, қарз сўрамоқчи..."

— Ҳа, шунақа де, — аранг пўнғиллади Холмат.

— Ака, — деди Аҳад олатўнликнинг юзига босгудек яқинлашиб. — Энди ўзингиз ёрдам бериб юборасиз-да, илтимос.

Талаба шартнома суммасини айтди. Бунча пул Холматнинг тўрвасида бор эди. Лекин аллақандай хумчалик Икром деганнинг мишиқи боласига шунча ақчани ҳе йўқ, бе йўқ бериб юбораверадими?

— Энди-и, ука-а, — деб гап бошлади олатўнлик салмоқлаб.

Қўни-қўшнилардан насияга олиб келганини, улар билан дарҳол ҳисоб-китоб қилмаса бўлмаслигини айтиб талабадан юмшоққина қутулмоқчи бўлди.

— Энди-и, укам, гап бундай, — дея тағин такрорлади у томоқ қириб. Лекин томоғига ногоҳ суяк тиқилгандай жимиб қолди. Хаёлида пишитиб турган гаплари тумтарақай тарқаб кетди. Йигитча унга умид билан термулиб турарди. Афтидан у мушкулининг осон бўлишига сўзсиз ишонарди.

— Мен... мен сенинг қўлингга мунча пулни бериб юборолмайман... ҳарҳолда... ҳали ёшсан.

Аҳад Холматни астойдил қўлтиқлаб олди.

— Ака, пулни менга беришингиз шартмас. Ҳозир бизнинг ётоқхонага борамиз. Яхшилаб дам оласиз. Эртага эрталаб университет кассасига тўлаймиз.

— Йў-ў... — деди Холмат яна бир баҳона топганидан қувониб, — сен билан кетолмайман. Ҳув, сомонбозор ёнида квартирамиз бор. Шериклар Черняевкага кетган. Уларнинг хонасига қараб турибман. Мен... квартирага боришим керак.

Аҳад туйқус тўхтаб олатўнликнинг юзига тикилди.

— Ака, ўзи ёрдам беришни хоҳлайсизми, ё...

Холмат йигитчанинг нигоҳлари билан тағин тўқнашдию яна каловланди. Чунки бу нигоҳлар ҳануз ўша-ўша қувонч ва умидга лиммо-лим.

— Бўпти, — деб ғудранди Холмат, — розиман, шунга юқиниб кепсан... Лекин ҳозир квартирага бормасак бўлмайди. Сен адресингни айт, эртага эрталаб ўша жойга етиб бораман. Қолганига Худо пошшо...

— Раҳмат, ака, — деди Аҳад қувончдан ял-ял яшнаб, — ёрдам беришингизни билардик. Чунки сиз олатўнликсиз...

Талаба Холматни яна бирмунча алқаб тургач, манзилини ҳижжалаб тушунтирди, ҳатто бир парча қоғозга ёзиб-чизиб ҳам берди. Холмат ҳам ўз манзилини тушунтирган бўлди.

— Ака, сизга ишондим, — деди у, ниҳоят қуюқ-суюқ хайрлашаркан. — Эрталаб соат тўққизда сизни ўша ерда кутаман.

— Бўпти, келишдик.

Аҳад кўздан йўқолар-йўқолмас Холматнинг кўнгли буткул хира тортиб қолди. Бўшанглик қилиб, розилик бериб юборганига ўзини роса койиди.

Шериклари аллақачон қайтишган экан. Торгина ҳужра ўртасида дастурхон ясатиб қарта ўйнашарди. Дастурхон устида мева-чева, нон, ярим шиша арoқ, табака.

Холмат улар билан ҳол-аҳвол сўрашгач, ҳовлидаги кран сувида ювиниб-чайиниб қайтди. Лекин кўнглидаги хираликдан қутулолмади. Бу хиралик хумчалик талаба билан хайрлашганидаёқ унинг ичига ёпирилиб кирган эди. Ахир одам дегани ҳам шундай бўшанг бўладими? Ҳе йўқ, бе йўқ аллақандай мишиқига ваъда бериб юборди-я?! Иложи йўқ, ука, пулим ўзимга ҳозир керак, фалон нарсани олиб кетишим керак, деса, уни биров койирмиди? Хўш, энди нима бўлади? Кўр бўлиб аллақандай хумчалик талабанинг шартнома пулини тўлайди. Кейин-чи? Балки Аҳадбой ғирт ёлғон гапиргандир. Қарз қиёматга қолса-чи?

Холматнинг боши ғовлаб кетди. У ола-чалпоқ ёритилган кўча бўйлаб кампирнинг ҳовлисига қандай қайтиб келганини-ю, шериклари билан қандай ҳол-аҳвол сўрашганини ҳам билмайди. Бир-биридан ваҳимали ўйлар унинг ич-ичини ғижимлар эди.

— Холматбой, — деди Олқор полвон ёнбошлаб ётган жойидан гўштдор калласини аранг буриб, — савдони қойиллатган бўлсангиз ҳам негадир шаштингиз паст?

Сайфулло ҳам қўлидаги қартадан кўз узмай минғиллади.

— Ҳа, тўғри, негадир таъби тирриқ Холматбойнинг.

— Э, чарчадим-да, — деди Холмат паришон қўл силтаб.

У бир интилиб дастурхон устидаги шишадан арoқ қуйиб ичди. Бир бўлак яхна гўштдан газак қилди. Ичи яйраб, ўй-фикрлари бироз тиниқлашгандай бўлди.



— Олқор ака, — деди у, иккинчи гал пиёлани тўлғизаркан, — хумчалик Икром миробни танийсизми?

— Ҳа, танийман, — деб қўйди полвон қартадан кўз узмай. — Нима гап?

— Шунинг бир ўғли ўқишга кирибди.

Холмат шу орада иккинчи пиёлани узуқ-юлуқ бўшатди-ю, шом чоғи кўрган-кечирганларини бир бошидан айтиб берди. Шериклар сергакланди. Қарта ўйини тўхтади.

— Эсинг жойидами? — деди Олқор полвон Холмат томон андак сурилиб, — ростдан ҳам пулингни бердингми?

— Ваъда бердим-да.

— Ўв, — деди полвон, — сен пул топгани келдингми ё топганингни ҳавога совурганими?

Холмат пўнғиллади:

— Нега совурарканман? Қарз бу, эрта-индин отаси қайтаради.

— Об-бо, овсар-эй, — деб пиқиллаб кулди Сайфулло, — ҳали шу пайтгача ҳеч ким хумчаликдан қарзини ундириб ололмаган. Улар ғирт фирибгар. Қанча одамни лаққа тушириб кетишган.

— Ўша Икром деганнинг ўзи, — деди полвон бармоғини бигиз қилиб, — итдан бир суяк қарз. Кўринганни ганги-тиб, чув тушириб юради.

Холмат ҳузурланиб кўзларини бир зум юмди. Шерикларининг танбеҳи унга мойдек ёқиб кетди.

"Тавба, бу Икром деганлари хўб ғалати одам экан-ку. Бозорга бор, олатўнлик мевафурушларни топ, улардан пул ол, дебди-я?! Худди олатўнликларга ошириб қўйгандай. Қизиқ, нега Икром мироб бундай деди экан? Бизнинг ёрдам беришимизга шунчалар ишонганми? Ўғли-чи? Ортиқча ялиниб-ёлворгани ҳам йўқ. Шунчаки, пул беришим шартдай сўради-қўйди. Ғирт сурбет экан-ку! Мен унинг кўзларига қараб шамдай эриб ўтирибман-а! Эҳ, галварс, яхшиям шериклар кўзимни очди".

— Ўв, ухлаб қолдингизми нима бало? — Холмат Сайфуллонинг товушидан илкис кўзини очди.

— Йўғ-е... ўзим шунчаки...

— Бошингизни қотирманг, — деди Сайфулло — хаёлдан чиқариб ташланг ундай бемаъни ёрдамларни.

— Ваъда бериб қўйдим-да, — деб минғирлади Холмат.

Олқор полвон истеҳзоли илжайиб пиёлани тўлғазиб арoқ қуйди.

— Мана буни ичиб юборинг — ваъдани ювиб кетади, тамом вассалом, — деди у пиёлани узатиб.

Холмат пиёлани олдию аллақандай ташналик билан арoқни сипқориб юборди. Чиндан ҳам енгил тортгандек бўлди. Кўз ўнги жимирлаб кетди.

"Тамом. Худога шукур, қутулдим. Қандайдир мишиқини деб сарсон бўлиб юрмайман. Бунинг ҳаммаси фирибгарлик. Энди билдим. Номард хумчалик мени боплаб чув туширмоқчи бўлган. Овора бўлади. Улар шохида юрса, биз баргида чопқиллаймиз..."

Холмат сархуш ёстиққа бош қўйди. Ҳужранинг пастак шипи кўз ўнгида лоп-лоп силкинди. Яна қарта ўйнашга чоғланган шерикларининг товуши ғира-шира эшитила бошлади...

...У илкис кўзини очганида ҳануз ўша манзара эди. Олқор полвон билан Сайфулло зўр бериб қарта ўйнашарди. Ўртада тўзғин дастурхон.

— Ҳа, калла пишдими? — деб сўради Сайфулло ғимирлаб қолган Холматга кўз қирини ташлаб.

— Соат неча бўлди?

— Ўн икки.

— Вой-бў-ў, ҳали ётмадиларингми?

Шу пайт эшик ғийқиллаб қия очилди, бека кампир бош суқди.

— Эй, кто из вас Холмат?

— Мен...

— Иди, сени чақиряпти.

Кампир лип этиб кўздан йўқолди. Холмат "ким", "қаерда" деб сўрашга улгурмай, ҳовлиққанча беканинг ортидан чопқиллади. Шериклари унинг изидан таажжуб билан қараб қолишди.

Холмат кузнинг салқин эпкинидан сергак тортди. Бўй чўзиб дарвоза томон аланглади. Қия очиқ дарвозада кимнингдир шарпаси кўринди.

— Ассалому алайкум, ака.

У мулойим тавозе билан салом бериб, Холмат томон юрди.

Холмат қаршисида хумчалик талабани кўриб ҳангу манг қотди.

— Ия, Аҳад! Нима қилиб юрибсан кечаси?

— Кечирасиз, ака. Бир соатча олдин отам оғайнимнинг телефонига қўнғироқ қилиб қолди. Пул топибди. Эртага етиб келаркан. Шуни... сизга айтиб қўяй, безовта бўлманг, эртага сарсон бўлиб юрманг, демоқчи эдим.

Холмат каловланиб қолди.

— Ҳеч қиси йўқ, — дея аранг ғудранди у. — Бекор овора бўп келибсан.

Аҳад кулиб Холматнинг қўлини самимий қисди.

— Ака, ёрдам бермоқчи бўлганингиз учун сизга катта раҳмат. Ҳақиқий олатўнлик экансиз.

Холмат саросималаниб ерга қаради.

Саидвафо БОБОЕВ

# "ҚАДИМИЙЛИГИНИ САҚЛАГАН ЗАМОНАВИЙ ЮРТ..."

***Воронеж гастрол-концерт бирлашмасининг "Держава" казак қўшиқлари ансамбли ва Н.Жиганов номидаги Қозон давлат консерваторияси "Татарика" ансамблининг концертлари юртимизда муваффақият билан ўтди.***

— Биз бундай самимий учрашувни кутмагандик, — деди ҳаяжон билан Қозон ансамбли раҳбари Рустам Рахматуллин. —



Мусиқа мактабларидаги турли тадбирларда бўлдик. Ўзбек Миллий академик театри ва Алишер Навоий номидаги театр саҳналарида концертлар бердик. Ҳамма жойда бизни қизғин кутиб олишди, ранг-баранг репертуаримиз маъқул бўлди. Лекин, афсуски, ўзбекча куй-қўшиқларимиз йўқ эди. Кейинги сафар анъанавий, соф халқона мусиқаларингиздан, албатта, ижро этамиз. Биз Россиянинг қайси бурчагида бўлмайлик, юртингиз, Тошкент шаҳри ҳақида фақат яхши сўзлар эшитгандик. Ҳақиқатан ҳам сизлардаги меҳмондўстликка, самимийликка бугун ўзимиз ҳам гувоҳмиз. Томошабинларингиздаги профессионал зийракликдан хурсандмиз.

**— Бу йилги гастролларингиз Тошкентда якунланаётганидан мамнун бўлсангиз керак, албатта.**

— Очиғи, бу ерга ёзда келишни, ўзбек ҳамкасбларимиз билан кўпроқ мулоқотда бўлишни, татар заминида уларни кўришни истардим. Сизнинг мусиқа санъатингиз ниҳоятда ўзига хос бўлиб, бугун дунёнинг ҳамма бурчакларида янграяпти. Ёшларингизнинг асл халқ мусиқаси манбаларига кўпроқ интилаётгани менга жуда ёқди, бизнинг мамлакатимизда ҳам худди шундай ҳолат бошланган. Оркестримизда ўзбек чолғулари янграса дейман. 2001 йил Тошкентда ўтган халқ чолғулари ва ансамбллари фестивалида бизга совға қилинган ўзбек чолғу асбоблари ўқув юртимиз музейида турибди. Ишонаманки, бу чолғулар овози Қозонда ҳам янграб, татар тингловчиларига ўзбек оҳангларини таништиради.

"Держава" ансамблининг директори, Россияда хизмат кўрсатган артист, якка ижрочи Сергей Золотарев ўз таассуротлари ҳақида шундай деди:

— Ўзбекистонда иккинчи бор бўлишим, дастлаб бу ерга 25 йил олдин келганман. Қанча сувлар оқиб ўтди. Ўша вақтда ҳам юртингиз биз учун эртак эди. Ҳозир эса тушга ҳам кирмайдиган ўзгаришларни кўриб, ҳайратда қолдим. Қадимийлигини сақлаб қолган замонавий юрт. Бу ерда ҳаммаси ҳайратланарли. Ҳайрон қолганимиз шундаки, қиш кирганига қарамай, кўчалардаги йўлаклар ямяшил. Табиатингиз, заминингиз ва одамларингиз шунчалик иссиқ ва бағрикенгки, уларнинг барини — гулларни ва яшиллик оламини кўриб солистларимиз жуда хурсанд бўлдилар. Бизда ҳаммаёқ оппоқ қор, бу ерда эса — баҳор. Шундай юртда яшаш учун жонни фидо қилса арзийди.

**— Сергей, шундай гастроллар сизларга, сизнинг фаолиятингизга нима беради?**

— Гастролларсиз ҳаёт санъаткор учун ҳавосиз ҳаёт... Маданий алоқаларда гап кўп. Воронеж рус хорида ишлаганимда Қарши шаҳрида бўлган эдик. Кейин сизларнинг ҳаваскор артистларингиз бизнинг юртда концерт беришди. Ўшанда "Ўзбекистонда халқ ичидан чиққан ҳаваскорлар шундай ишлашса, профессионаллар қандай ишлашини тасаввур қилиш мумкин", деб ҳазиллашгандик. Халқингиз жуда истеъдодли. Янги йилда воронежликлар ўзбек маданияти, санъати билан янада кўпроқ учрашишга мушарраф бўладилар, деган умиддаман.

* * *

Шунингдек, машҳур балерина Эллен Дешарра ҳам юртимизнинг етакчи балет солистлари билан биргаликда Петр Чайковскийнинг "Оққуш кўли" балетида ўз маҳоратини намойиш этди. Томошадан сўнг у билан суҳбатлашишга муваффақ бўлдик.

**— Сафарларингиз ҳақида гапириб берсангиз.**

— Ўзбекистонга тўртинчи марта келишим. Ўзбек тупроғидаги премерам Адан "Жизел" балетида бўлган эди. Кўп мамлакатларда бўлганман, лекин ўзбек томошабинига етадигани йўқ. Шунинг учун ҳам бу саҳнада чиқиш мен учун шараф. Асосийси — саҳна, оркестр ва яхши портнёрлар. Тошкентда дўстларим жуда кўп ва улар билан бўладиган учрашувни ҳамиша орзиқиб кутаман. Бу ерда мен рақс мактабининг бетакрор сирларини ўтайман.

**— Ёш санъаткорларимиз ҳақида фикрингиз қандай?**

— Очиғини айтсам сизларнинг педагогларингизга исталган хореография мактаби ҳавас қилса арзийди. Театрларингиз жаҳон андозалари даражасида. Энг муҳими, педагоглар ўз билим ва тажрибаларини жон диллари билан ёшларга ўргатадилар. Мен Замира Давлатмуродова ва Виталий Василевдек рақс усталаридан миннатдорман.

**— Бизнинг ёш солистларимиз ҳам тез-тез Японияда бўлиб, спектаклларда қатнашиб турадилар.**

— Улар Токиода жойлашган балет мактабига борадилар. Бир сафар улар билан "Пахита" балетида рақс тушганман. Солистларингизни япон томошабинлари севадилар, улар у ерда маҳорат дарсларини ҳам ўтадилар.

Шу ўринда япон ёшлари ҳақида ҳам икки оғиз гапирмоқчи эдим. Япон болалари рақсга, хусусан, балетга икки ёшдан қатнайдилар, беш ёшларидан бемалол оёқ учида турадиган бўладилар. Эҳтимол, бу жуда эртадир, лекин японлар ўзи шунақа халқ, ҳамма нарсани йўргакдаёқ бошлашга ҳаракат қиладилар. Ўзимга келсак, Москва мусиқа театрида ва Токиодаги Маки-Асани балет труппасида ишлайман. Шунингдек, Япония халқаро балет академиясининг бадиий директориман, япон телевидениесининг биринчи каналида ишлаганман.

**— Устозингиз Виталий Василевнинг юбилейини ўтказиб кетар экансиз-да...**

— 50 йил оёқ учида юриш жуда катта жасорат. Мен унга биринчи навбатда соғлик тилайман. Истеъдодли шогирдлари кўпайишига тилакдошман.

Ҳалигача Самарқанд ва Бухорони кўрмаганимдан афсусдаман. Эҳтимол, навбатдаги келишимда бу эртакнамо шаҳарларни кўриш насиб этар. Ҳозирча ҳар кунги ишлар — репетициялар, спектакллар, дам олиш ва яна рақс тушиш давом этмоқда.

**Флора ФАХРУТДИНОВА**

***Суратда:*** *Ўзбекистон халқ артистлари Виталий Васильев, Иброҳим Юсупов ва япониялик балерина Эллен Дешарра.*

***Рассом Василий Михайлович Лисов асарлари республика ва халқаро кўргазмаларда мунтазам намойиш этиб келинади. Кўпгина асарлари юртимизнинг турли музейлари коллекциялари учун сотиб олинган, чет элларда ҳам рассом асарларининг ихлосмандлари оз эмас.***

# НАТЮРМОРТ УСТАСИ

В.Лисов мойбўёқли рангтасвир, пастел, сангин, панда каби турли техникаларда ишлайди, асос сифатида холст, қоғоз, картон, оргалитдан фойдаланади. Мавзу ва сюжет доираси ниҳоятда кенг. "Мен учун санъатда асосий нарса шунчаки лоқайд кузатувчи бўлиб қолмаслик, — дейди Василий Михайлович. — Санъатга хизмат қилишни юрак амри билан ҳар куни бетиним изланиш деб тушунаман. Бизни ўраб турган борлиқ, одамлар, табиат рассом ижоди учун тайёр манба".

Рассомнинг илк муваффақиятли ишларидан бири "Қайиқчалар" ёки "Чилонзорда баҳор" жанрли асаридир. Унда сувга қоғоз қайиқчалар оқизаётган бир гуруҳ болалар тасвирланган. Полотнодан хуш кайфият иси уфуриб туради. Шу тариқа Лисовнинг болалар мавзуда яратган бир туркум график ва рангтасвир портретлари пайдо бўлди. Икки юзга яқин бу асарлар ичида ўзи 25 йил давомида расм ва рангтасвир тўгарагини бошқарган Хлебушкина номидаги болалар уйи тарбияланувчиларига бағишланганлари кўпчиликни ташкил этади. Унинг ўзбек деҳқонлари акс эттирилган портретлари ҳаётийлиги билан ажралиб туради. Турғун қуюқ ранглар бу оддий, содда одамлардаги хотиржамликни, ер тафтини акс эттиради. Ҳар бир портретида ўша одамнинг характеридаги асосий нуқтани бўрттириб кўрсатишга ҳаракат қилади.

В.Лисовнинг пейзажларида умумлашма хусусиятлар, гўзаллик ва яхшиликнинг идеал кўринишлари кўзга ташланади. Бунга "Оқ қайинли ўрмон", "Эски тол", "Баҳорги манзара", "Шаҳрисабзда баҳор", "Куз", "Тошкентда куз", "Ёмғирли кун", "Истироҳат боғида" каби асарларини мисол қилиш мумкин. Манзара ишларида ноёб архитектура ёдгорликлари ҳам уйғун тасвирланади. Рассомнинг манзара йўналишидаги ишларига улуғ мусаввир Ўрол Тансиқбоев билан танишлиги жиддий таъсир қилди. "Сариқ Челак кўли", "Арслонбоб", "Қишки Оқтош", "Тоғолди", "Қишлоқ ва водий" асарларида бу таъсир яққол сезилади.

*Санъатимиз фидойилари*

Серқирра ижодкорни кундалик турмуш манзаралари ҳам қизиқтиради. Унинг "Қовун бозори. Чорсу", "Маҳалламиз фахрийлари" суратларида кундалик турмуш жараёни акс этган бўлса-да, ранглар уйғунлигида ҳаёт жараёнининг абадийлиги ғояси илгари сурилади.

Бироқ В.Лисов рангтасвирчи сифатида асосий кучни натюрморт жанрига қаратади ва том маънода бу йўналишнинг устасига айланади. Устанинг натюрмортлари ҳаётийлиги, деталлардаги жиддий тасвир чизиқлари, ранглар хилма-хиллиги, ҳаққонийлиги ҳамда композицион тугаллиги билан диққатни тортади. Ўзаро маҳкам боғланган предметли шакллар бир ритмдаги оҳангни эслатади. Ҳар бир натюрморт бир нафас билан яратилгандек таассурот туғдиради.

Рассомнинг кўплаб натюрмортларида турли кўринишдаги кактуслар муҳрланган. Ўзининг айтишича, элликдан ортиқ суратлари ана шу ўсимлик билан боғлиқ. Ўзбекнинг сахий тупроғида етилган турфа ранг мевалар ҳам рассом натюрмортларининг асосий қисмини ташкил этади. "Шафтолилар", "Беҳили натюрморт", "Бухоро қовуни", "Анорлар", "Анор ва кўза", "Ҳусайни", "Каттақўрғон", "Пушти тоифи"... У кўпроқ узум, анор, олма иштирокида асарлар яратган.

В.Лисовнинг "Усталар" туркумидаги натюрмортлари алоҳида эътиборни тортади. Уларнинг характерли хусусияти шундаки, образли ранг ва пластик ифодавийлик кўп ҳолларда чуқур фалсафий мазмунни ифода этади. Ўзига хослиги эса, сиз уларда устанинг портретини кўрмаслигингизда. Асарда фақат хона, иш столи, асбоб-ускуналар ва тайёр маҳсулотлар тасвирланган бўлади. "Устахона", "Уста Усмон Зуфаров устахонасида", "Эски темирчилик маскани", "Ўйинчоқли натюрморт", "Ёғоч ўймакорлиги", "Эски қумғонлар", "Ҳайкалтарош устахонасида" каби ўнлаб асарлари шу усулда ишланган.

"Қишлоқ ўқитувчисининг уйида" натюрмортида фақат уй жиҳозлари тасвирланган. Лекин улар шу ерда яшовчи одамнинг характери ва қизиқишлари ҳақида кўп нарсаларни "сўзлайди". "Ҳеч ким, ҳеч нарса унутилмайди" мемориал натюрморти ҳам ўзига хос ишланган. Асар Иккинчи жаҳон уруши қатнашчиларига бағишланган.

Василий Михайлович ижодининг яна бир йўналиши ёғоч ўймакорлиги билан боғлиқ. Ўзининг таъбири билан айтганда, ана шу "хобби"си туфайли яралган кўплаб чўмичлар, қошиқлар, тагликлар, безакдор ишланган буржлар тасвирларини бемалол санъат асарлари дейиш мумкин. "Ёғоч ўймакорлиги билан шуғулланганимда, — дейди В.Лисов, — руҳан дам оламан, навбатдаги рангтасвир ишимни хаёлан яратаман".

Уста рассом адабиётни, шеъриятни севади. Сервантеснинг "Дон Кихот" асари унинг энг севимли китобларидан бири. Есениннинг шеърларини такрор-такрор ўқишдан зерикмайди. Василий Михайловичдаги рангтасвирга бўлган чексиз муҳаббат қизи Таняга ўтган, набираси Катя ҳам рассомликка қизиқади. Ҳозир у Миллий рассомлик ва дизайн институтида таҳсил олмоқда.

В.Лисовнинг ўзи ҳамон ижод билан банд. Ўтган йили 80 ёшлигини нишонлаган Василий Михайлович Лисов натюрморт жанрида яратган асарлари учун Бадиий академиянинг олтин медали ва дипломи билан тақдирланди. Бу мукофот ижодкорни янги ишлар сари илҳомлантирди.



**Лариса ЛЕВТЕЕВА,**
**санъатшунос**

# РАНГТАСВИР УСТАСИ

Қиш фаслининг илк кунларида таниқли рангтасвирчи рассом Владимир Ким ижодига бағишланган кўргазма бўлиб ўтди. Унда рассомнинг 200 га яқин мойбўёқда ишланган асарлари намойиш этилди. Рассом асарларида ёруғлик ва кўпдан-кўп сержило ранглар уйғунлашган бўлиб, томошабинда илиқ таассурот уйғотади, кўнгилларга завқ бағишлайди. Суратларда тасвирланган шаҳар кўчалари, хиёбонлар, кўп қаватли уйлар, бинолар ва турли туман манзаралар сизга таниш, қадрдондек туюлади. Ҳаммамиз севган Чорвоқ маскани ҳам рассом асарларида жонли намоён бўлади.

Владимир Ким — рангтасвир устаси, ўзининг хеч кимга ўхшамас дунёқараши билан ажралиб туради. Танлаган ранглари ҳам ўзига хос бетакрор, ёрқин — ёқимлидир.

Рассом асарлари Давлат санъат музейи, Бадиий Кўргазмалар дирекцияси ва хориждаги хусусий тўпламлардан ўрин олган.

**САРВАРА**



В.ГРАНКИН олган сурат.

Куни кеча Бадиий академиянинг марказий кўргазмалар залида, мазкур йилда Давлат мукофотлари ва унвонлари билан тақдирланган ижодкорларни табриклаш, "Ижодимиз ҳақида гапирсак" туркумининг иккинчи китоби, "Тасвирий санъат ҳафталиги" каталогининг тақдимотига бағишланган тадбир бўлиб ўтди. Академия раиси

# ИЖОДИЙ ҲИСОБОТ

Турсунали Қўзиев санъат соҳасида рўй бераётган ижобий ҳодисалар, янгиликлар, эришилаётган ютуқлар ҳақида сўзлар экан юртимизда яшаб фаол ижод қилаётган ижодкорларимизни юксак мукофот билан муборакбод этди.

"Ижодимиз ҳақида гапирсак" туркуми иккинчи китобида мамлакатимизнинг таниқли рассомлари бадиий асар яратиш жараёнининг назарий жиҳатлари, ижодий тажрибаларининг ўзига хослиги ҳақида ўртоқлашадилар. Иккинчи китобнинг биринчисидан фарқи шундаки, унда нафақат рангтасвир, графика усталари, балки кулоллар, ҳайкалтарошлар, амалий санъат ва бошқа санъат йўналиши бўйича изланаётган ижодкорларга ҳам ўрин берилган. Тадбир якунида ёш рассомларга уюшмага аъзолик гувоҳномалари тантанали топширилди.

# РАҚС — МАФТУНКОР САНЪАТ

***Дарҳақиқат, шундай. Раққоса ўзининг нозик ҳаракатлари билан инсоннинг жамики туйғуларини — ҳис-ҳаяжони, орзу-умидини таъсирчан равишда ифода эта олади. Шу боис ҳамки, рақс санъати ҳамиша ўзига хос нафосати ва жозибаси билан миллионлаб қалбларни забт этиб келган.***

Устоз санъаткорлардан бири рақс санъати тўғрисида гапирар экан: "Етук раққоса бўлиш учун... раққоса бўлиб туғилиш керак", деган эди. Бу гап ҳақиқатга яқин. Аммо Тошкент хореография коллежида узоқ йиллардан бери ёш истеъдодларни санъатнинг бу машаққатли турига ўргатиб келаётган устозларнинг меҳнати ҳам ўз самарасини беради. Тамарахоним, Т.Бек, М.Турғунбоева, В.Губская, Уста олим Комилов, Е.Обухова каби ўз ишининг нуктадонлари меҳнат қилган бу коллеж дастлаб балет мактаб-студияси сифатида иш бошлаганди. Кейинчалик бу устозларнинг анъаналарини Галия Измайлова, Розия Каримова, Мира Шерова, Мила Мусаева, Ноила Баширова, Тамара Метвинова, Римма Кугушева, Анвар Казаков, Ҳабиб Назруллаев каби санъаткорлар давом эттирдилар.

Моҳир педагоглар таълимини олган Г.Маваева, К.Юсупова, Х.Камирова, Р.Султонов, Ф. Носирова, Р.Хўжасаидовалар студия довруғини бутун мамлакатга таратдилар. Берноpa Қориева, Қундуз Миркаримова, Гули Ҳамроева, Малика Аҳмедова, Маъмура Эргашева каби санъаткорлар шу ерда таълим олишганлигининг ўзи кўп нарсани англатади.

Куни кеча Алишер Навоий номидаги Давлат академик катта театрида Тошкент хореография коллежи ташкил этилганлигининг 60 йиллигига бағишланган тантанали маросим бўлиб ўтди. Ўзбекистон Республикаси Маданият ва спорт ишлари вазири Р.Қурбонов, вазирнинг биринчи ўринбосари Б.Сайфуллаев, Қорақалпоғистон Республикаси Маданият ва спорт ишлари вазири Ж.Турдемуратов, Тошкент Олий рақс ва хореография мактаби ректори Г.Ҳамроева, Алишер Навоий номидаги театр директори Б.Ёқубов ва бошқалар жамоани қизғин табриклар эканлар, юртимизда рақс санъатига берилаётган эътибор ва ғамхўрлик, коллежнинг республика маданий ҳаётида тутган ўрни ҳақида алоҳида тўхталиб ўтдилар.

Мазкур тадбирга бағишланган концерт дастурида турли жамоалар ўзларининг хореографик қутлов композицияларини намойиш этдилар. Айниқса, Ўзбекистон халқ артисти Қодир Мўминов раҳбарлигидаги "Ўзбекистон" ансамблининг ёрқин, миллий чиқишлари, Муборак Мирзаеа раҳбарлигидаги "Сабо" ансамбли раққосаларининг чиқиши, болалар ижросидаги "Занг" миниатюраси, Ўзбекистонда хизмат кўрсатган артист Н.Шерматов саҳналаштирган эркаклар рақси томошабинларга мақбул бўлди.

Концерт сўнгида аниқ ва кескин классик ижро мактабига асосланган "Пахита" балети намойиш этилди.

**Наталя ШАПИРО**



***Таниқли ёзувчи Умаржон Исмоиловнинг "Рустам" номли пиесаси Ўзбек Миллий академик театрида саҳнага қўйилгандан кейин, тез орада машҳур бўлиб кетган эди. Айниқса, асардаги "Пул кўп зўр, азамат, паҳлавон бир куч..." деб бошланадиган монолог оғиздан-оғизга ўтиб, йиғинларда, ўтиришларда, тўйларда айтиларди. 30-йилларнинг бошида пайдо бўлган бу спектаклда кўтарилган муаммо ҳамон долзарб.***



# АДОЛАТ ВА ДЎСТЛИК КУЙЧИСИ

*Ёднома*

У.Исмоилов "Рустам" асарида Ҳамзанинг "Лошмон фожиаси" ва бошқа пиесалардан ибрат олиб, 1916 йилнинг кескин, шиддатли воқеаларини, ўзбекларни мардикорликка олишдаги ноҳақликлар, уларнинг фронт орқасидаги оғир ва аянчли турмушини гавдалантириб берган. Бундан ташқари, асар бизни ижтимоий ва миллий зулмга қарши курашга отланган Рустам каби қаҳрамонлар билан таништиради, уларнинг адолат учун олиб борган исёнкор фаолиятини кўрсатади.

Пиесанинг ютуғи яна шундаки, унда фронт орқасида машаққат чеккан мардикорларнинг оғир ҳаёти, босқинчилар зулмидан қийналган камбағал меҳнаткашларнинг турмуши жуда ҳаққоний тарзда ифодаланган. Унда анчагина пухта яратилган характерлар учрайди. Тўғри, бу шеърий асарнинг биринчи вариантида ўта соддалик, схематизм ҳам йўқ эмас эди. Кейинчалик, муаллиф пиесани қайта ишлаб, уни анча пухталаштиргач, "Рустам" ўзбек драматургиясининг баркамол асарларидан бирига айланди.

1930 йили Республикамизнинг икки йирик театрида замонавий мавзудаги икки асар муваффақият билан саҳналаштирилди: Андижон театрида Комил Яшиннинг мусиқали комедияси асосида тайёрланган "Ўртоқлар" ва Тошкент Миллий театрида У.Исмоиловнинг "Пахта шумғиялари" драмалари. Бу икки асарни бир вақтда тилга олишимизнинг сабаби бор. Бир йилда пайдо бўлган бу асарларда кўтарилган масала, ифода этилган мавзу бир-бирига яқин. "Ўртоқлар"да ҳам, "Пахта шумғиялари"да ҳам ўзбек қишлоқларига кириб келган ўша даврдаги янгича ҳаёт тарзи ифода этилган. Шу сабабдан "Пахта шумғиялари" республикамизнинг кўп театрларида, Тожикистон, Қирғизистон ва Қозоғистон республикалари саҳналарида ҳам намойиш этилиб, томошабинларга манзур бўлди.

У.Исмоилов адабиётга шоир сифатида кириб келиб, кўп ўтмай драматургия соҳасида қалам тебрата бошлаган эди. 20-йилларнинг бошларида битилган шеърларини ўқисак ёш қалбнинг замон талаблари, вазифалари билан ҳамоҳанг ижод қилганига гувоҳ бўламиз. Шоир шеърлари оддий одамларнинг қаҳрамонона меҳнати, дўстликни мустаҳкамлаш, хотин-қизларнинг тўла озодликка эришишини таъмин этиш, ер ислоҳотини амалга ошириш, саводсизликни тугатиш, адолатсизликка қарши кураш ҳақида. 1930 йили унинг "Шеърлар" тўплами чоп этилди.

У.Исмоиловда драматургияга, театр санъатига қизиқиш жуда эрта уйғонди. 14-15 ёшданоқ ўзининг артистлик фаолиятини бошлаган ёш драматург Тошкент таълим-тарбия билим юрти қошида ташкил қилинган халқ театрлари спектаклларида — Навоий достони асосида яратилган "Фарҳод ва Ширин" пиесасида адолатли ҳукмдор Меҳинбону образини, Ҳамзанинг "Заҳарли ҳаёт ёхуд ишқ қурбонлари" трагедиясида Марямхоним ва Маҳмудхон ролларини сидқидилдан ижро этган. Бу спектакллар дуруст чиққанлиги учун ҳам уларни Самарқанд, Бухоро, Ашхобод, Боку каби шаҳарларнинг томошабинларига олиб бориб кўрсатишган. Артистликда, кейинчалик эса режиссёрликда ўзини синаб кўрган У.Исмоилов театр санъатининг сирларини пухта эгаллади. Бундан ташқари, адиб ўз устида қунт билан ишлади, назарий-илмий, ижодий билимини орттириб борди. Билим юртида (1924 — 1930) ҳамда Ўрта Осиё Давлат университетида (1927 — 1930) олган таҳсили, изланишлари унинг онгини чархлади. Ижодий сабоқларни у Островский ва Чехов, Шекспир ва Шиллер, Навоий ва Ҳамза асарларидан олди. Адиб А.Толстой ва А.Фадеев билан шахсан учрашиш, М.Горький билан эса суҳбатлашиш бахтига сазовор бўлган.

Асарларининг муваффақияти У.Исмоиловни янги-янги ижодий парвозларга ундади. У талай драмаларини китобхонлар ва томошабинларга тақдим этди. Адиб қаламига мансуб "Ҳоди шоди" (1934) комедияси, "Уч қаҳрамон" (1936), "Оби ҳаёт" (1940), "Зафар" (1950), "Донишманд қиз" (1974) каби пиесалар У.Исмолиловни драматург сифатида кенг танитди. Бу асарлар муаллифнинг севган жанрига садоқатини кўрсатди. Тўғри, бу асарларнинг ғоявий-бадиий савияси юқори эмас. Улар "Рустам"дек шов-шувга сабаб ҳам бўлмади.

50-йилларнинг бошида Муқимий номли мусиқали драма театрининг юзини кўрган, Самарқанд Давлат опера ва балет театрида саҳналаштирилган "Зафар" У.Исмоилов ижодида муқим ўрин эгаллайди. Опера учун либретто ёзиш, уни оҳангдор қилиб яратиш ҳазилакам ижодий меҳнат эмас. Бу ишни У.Исмоилов эплай олган. "Зафар"нинг (композитор Ҳ.Раҳимов мусиқа басталаган) узоқ вақтлардан бери зафар билан саҳнада кетишининг боиси адибнинг қизиқарли, теша тегмаган воқеаларни топа олганлигидадир. Украин Шевчук ва ўзбек Йўлдошев фронтда дўстлашиб, Волга дарёсидан Эльба дарёсигача мардона жанг қилиб борадилар, ғалабага эришадилар. Икки дўст ўз юртларига қайтиб, колхозга раис этиб сайланадилар ва мусобақалашадилар. Уруш даврида Украинадан Ўзбекистонга кўчирилган кишилар орасида бир бола Йўлдошевлар оиласига тушади ва тарбияланади. Ҳалима опа ўзининг бу ўғлини Зафар деб атайди. Кейин маълум бўладики, Зафар Шевчукнинг фарзанди экан. Зафар ҳар икки оила — Йўлдошевлар билан Шевчук оиласини бир-бирига боғловчи восита бўлиб қолади. Муаллиф бу ҳодисани умумлаштириб, икки халқ — ўзбеклар билан украинлар дўстлигини мустаҳкамлайдиган маънавий куч сифатида талқин этади.

У.Исмоилов кўпқиррали адиб эди. У деярли барча жанрларда қаламини синаб кўрди, шоир ва драматурглигидан ташқари, носир сифатида ҳам танилди. Унинг кўп ҳикоялари, қиссаси матбуотда эълон қилинди.

Бу йил таниқли драматург, ёзувчи Умаржон Исмоилов таваллудига юз йил тўлди. Ўзбек адабиёти ривожи йўлида сидқидилдан хизмат қилган адиб драматургиямиз тараққиётига салмоқли ҳисса қўшди.

**Ҳафиз АБДУСАМАТОВ**

# ҲИКМАТ — КЎНГИЛ ЧИРОҒИ




***Мавлоно Жалолиддин Румий — башарият номини барча замонларда ифтихор билан тилга оладиган буюк ижодкор, бетимсол аллома. Унинг “Маснавийи маънавий” асари ҳаётий теран ўгитлар, бебаҳо ҳикмату ҳақиқатлар хазинасидир. Китобхонларимиз Шарқ ирфоний адабиётининг бу шоҳ асарини Ўзбекистон халқ шоири Жамол Камол таржимасида ўқиш имконига эга бўлишди.***

***Яқинда “Маснавийи маънавий”дан сараланган дурдона панду ҳикматлар алоҳида китоб ҳолида чоп этилди. “Фан” нашриётида босилган “Мавлоно Жалолиддин Румий. Ҳикматлар” тўпламини ёш олим Нодир Рамазонов нашрга тайёрлаган. Китобга ёзган сўзбошида филология фанлари доктори Иброҳим Ҳаққул, жумладан, ҳикмат аҳли ҳақида шундай дейди: “Ҳикмат эгаларининг дунёни англашларида тафаккур ва сукут алоҳида ўрин тутганлиги учун табиатлари шошқинлик, якравлик, кибр сингари нуқсонлардан тозаланган. Румийга кўра, “Ҳикматлар — Оллоҳ лашкаридур, улар Ҳақ, ҳақиқат байроғини кўтариб, кўнгилларни забт қилур”. Бу эътироф Мавлоно ҳикматларига ҳам тўла тегишли”. Қуйида “Мавлоно Жалолиддин Румий. Ҳикматлар” китобидан олинган айрим парчаларни ўқийсиз.***

Нарса йўққим, хорижи олам эрур,
Ҳар не истарсен, ўзингда жам эрур.

* * *

Кимки бадбахтдир, куйикдир хирмани,
Ёнмасин дер ўзга инсонлар шами...

* * *

Эл учун адлу адолат бўлса, бас,
Андин ўзга посбонинг шарт эмас...

* * *

Дил ақлдин нурга тўлгай дамба-дам,
Ҳам етар нурдан насиба кўзга ҳам...

* * *

Гар усул билсанг — билимлар нақшидир,
Андин ўз аслингни билган яхшидир...

* * *

Тевага янтоқ, тиканлардир емиш,
Ул сабабдин кўзлари яшноқ эмиш.

* * *

Партави Ҳақдир аёл, маъшуқ эмас,
Мисли Холиқдир аёл, махлуқ эмас...

* * *

Халқни ўйлаб, халққа бергум деб мадад,
Ёв билан майдонга тушгай шери мард.

* * *

Тонг — кичик маҳшар эмишдир, иқтибос,
Сен буюк маҳшарни андин эт қиёс...

* * *

Ҳар кўнгил боғида бир хас кам бўлур,
Бир эмас, оқилда минг бир ғам бўлур...

* * *

Ноаҳилларга сабр эт, эй кўнгил,
Ҳар нечук кўнгилни поклайдир сабр...

* * *

Илму фан деб ўлса, муқбил оти бор,
Бу ўлимда юз тириклик тоти бор...

* * *

Хотами мулки Сулаймондир — илм,
Жумла олам суврату жондир — илм...

* * *

Мўъжиза эрмас фалакда офтоб,
Мўъжиза оламда ул Уммул китоб...

* * *

Сен ўзингдан-ку қочолмассен, аниқ,
Бас, нетиб Ҳақдин қочарсен, эй рафиқ?

* * *

Баски дор узра юролмассен дадил,
Ерда юрмоғингга сен шукр айлагил...

* * *

Ҳақ яратди кимиёлар нақшини,
Кўрмади одам сабрдин яхшини...

* * *

Сен қаноат айла, бу ҳикмат сенга,
Зоти иймондир буюк неъмат сенга...

## Эътироф

# ЎЗБЕКНИНГ УЙҒУР ҚИЗИ

Ҳаёт мураккаб ва, эҳтимол, шунинг учун ҳам сирли, жозибалидир. Роҳила опа бундан қирқ тўрт йил муқаддам тақдир тақозоси билан Урумчи шаҳридан Оҳангаронга кўчиб келди. Ўшанда Роҳила опа йигирма олти ёшда бўлиб, Шинжон университетининг уйғур тили ва адабиёти куллиётини битирган, шу олийгоҳда дарс берган ва “Торим сози”, “Баҳор совғаси” китобларини чоп этишга улгурган адиба эди.

Оҳангаронга келгач, Роҳила Ҳофиз қизи ижодини муттасил давом эттирди. Шеър ва мақолалари туман, вилоят, республика газета-журналларида чоп этила бошлади. Бу орада Низомий номидаги Тошкент давлат педагогика институтининг филология факултетида сиртдан ўқиди ва шаҳардаги 5-мактабда дарс бера бошлади.

Асл ижодкор қалби ҳамиша илҳом дарди билан ёнади. Роҳила опа ўзи ижод этибгина қолмай, оҳангаронлик ижодкор ёшларни “Илҳом” клуби атрофига бирлаштирди.

Ўзбекистон Ёзувчилар уюшмаси аъзоси Роҳила Ҳофиз қизи Ўзбекистонда яшаб, шу заминга содиқ фарзанд эканлигини намоён этиб ижод қилди. “Кимлигимни сўраманг”, “Фарзандлигим адо этиб” каби шеърлари бунга ёрқин мисол бўла олади. Роҳила опанинг гўзал мисралари инсоннинг юрагига кириб боради, дил торларини чертиб юборади.

**Мен бировнинг устидан**
**кулишга туғилмадим,**
**Мен бировнинг дастидан**
**ўлишга туғилмадим.**
**Туғилдим ер-жаҳонни**
**чаман қила гуллашга,**
**Мен туғилдим инсонни**
**йиқилганда қўллашга,**

деб ёзади шоира. Роҳила опа бир умр ўзининг бу сатрларига содиқ бўлиб келмоқда. Унинг шеърлари одамлар орасида меҳр-оқибат, садоқат, муҳаббат ришталарини боғлашга хизмат қилади.

**Сиздадир ишончим, азиз одамлар,**
**Меҳнатим, ихлосим қадрига етган.**
**Висолга зор бўлиб ўтганда дамлар,**
**Сиз менга шодлигу, бахт инъом этган.**

Роҳила Ҳофиз қизи шеъриятида Ватан, миллат тақдири ҳамиша етакчи мавзу бўлиб келган:

**Тошдек тушиб, боғингизда**
**бир гул бўлиб очилдим,**
**Ҳавзи кавсар чашмасида**
**ташналигим қондириб.**
**Оҳангарон гулзоридан**
**хуш ҳид бўлиб сочилдим,**
**Уйғур, Ўзбек қалб қўридан**
**ўчмас чироқ ёндириб.**
**Қалби оташ, меҳри дарё,**
**бағри осмон Ўзбегим,**
**Юртингизда ардоқландим,**
**қадр топиб ўзлигим.**

Роҳила Ҳофиз қизининг кейинчалик бир қанча китоблари чоп этилди. “Қалам ва болам”, “Дил ороми”, “Ҳаёт шундоқ” китоблари шулар жумласидандир. Уйғур шоирларининг шеърларидан тузилган “Баҳор совғаси”, “Чинор шохлари”, “Оналар овози”, “Шеърлар” ва “Қизил шафақ”, “Оҳангарон илҳомлари” баёзларига унинг ҳам шеърлари киритилган.

Роҳила опа умр йўлдоши Абдураззоқ ака Тўхтаев билан уч нафар фарзандни вояга етказдилар. Шоира ҳозир айни ижодий камолот палласида. Биз истеъдодли қалам соҳибасига узоқ умр, бахт-саодат, ижодий ишларига барака тилаймиз.

**Нурали АБДУРАСУЛОВ**





# ҚУРБОН ҲАЙИТИНГИЗ МУБОРАК!

Мамлакатимизнинг барча шаҳар ва қишлоқларида истиқлол йилларида халқимиз маънавий ҳаётидан муҳим ўрин олган диний байрамимиз — Қурбон ҳайити кенг нишонланди. Пойтахт Тошкент ва бошқа кўплаб шаҳар-қишлоқлардаги жомеъ масжидларида Ҳайит намозлари ўқилиб, мустақиллигимиз муносабати билан миллий қадриятларимиз тикланиб, юртимизнинг ислом маданияти ва маърифати равнақига, ислом тамаддунига қўшиб келаётган ҳиссаси жаҳон кўламида эътироф этилаётгани таъкидланди. Мамлакатимизда тинчлик ва осойишталикнинг барқарорлиги учун шукроналар айтилди. Келажагимиз бўлган ёш авлод камолини сўраб дуолар қилинди.

*Садриддин Салим БУХОРИЙ*

# Шафоатдан умидвормиз



* * *

***Байтуллоҳга юз босган сайин***
***Қалбим эриб кетмоқда сим-сим.***
***Дардим ёлғиз Сенга айтаман,***
***Сенга айтмай кимга айтайин?!***

***Барча сирдан воқиф зотдирсан,***
***Имконсизга сен қанотдирсан,***
***Қодир, Басир, ҳам Ҳаётдирсан,***
***Сенга айтмай кимга айтайин?!***

***Гуноҳларим тоғ каби, ё Раб!***
***Мажруҳ қалбим соғ каби, ё Раб!***
***Яшнат мени боғ каби, ё Раб!***
***Сенга айтмай кимга айтайин?!***

***Ҳаммадан мен ёмонман, ёмон,***
***Лекин бугун Сенгаман меҳмон,***
***Гуноҳдан пок айлагил, Султон!***
***Сенга айтмай кимга айтайин?!***

* * *

***Саҳобалар сизга иймон келтирди,***
***Мадинага шараф, ҳам шон келтирди,***
***Фидо этмоқ учун, оҳ, жон келтирди,***
***Шафоатдан умидвормиз, ё Расул!***

***Саҳобалар сизни ҳимоя этди,***
***Таналарин ўқларга қоя этди,***
***Ҳар бир ҳадисингиз бир ғоя этди,***
***Шафоатдан умидвормиз, ё Расул!***

***Биз ҳам бугун Мадинага йўл олдик,***
***Гуноҳ юки оғир — йўлларда толдик,***
***Юзма-юз бўлмоққа гарчи уёлдик,***
***Шафоатдан умидвормиз, ё Расул!***

***На шону, на зафар келтирдик, ёҳу!***
***Нифоқ, жанжал магар келтирдик, ёҳу!***
***Биз Сизга дардисар келтирдик, ёҳу!***
***Шафоатдан умидвормиз, ё Расул!***

* * *

***Бу тоғларнинг кўзлари бор,***
***Пайғамбарни кўргандир!***
***Бу тоғларнинг сўзлари бор,***
***Набийдан ҳол сўргандир.***

***Бу тоғларнинг қалби бордир,***
***Қалби жуда мулойим.***
***Расул учун кўзи чордир,***
***Расулни севган доим!***

***Тоғу тошлар пайғамбарни***
***Таниб келтирди имон,***
***Лек мушриклар пайғамбарга***
***Ташланди мисли илон...***

***Гарчи Ислом бир қуёшдир,***
***Мўъминларга аён нур.***
***Мушрикларнинг қалби тошдир,***
***Мушрикларнинг кўзи кўр!***

***Бу тоғларнинг кўзлари бор,***
***Пайғамбарни кўргандир!***

* * *

***Қуёш ҳар кун тинмай нур сочар,***
***Нур сочгани учун улуғдир.***
***Лекин биров куни зулматда,***
***Бировларнинг куни ёруғдир.***

***Агар Ўзи этмаса назар,***
***Нурни сенга этмаса инъом,***
***Мингта қуёш нур сочганда ҳам***
***Кунинг ёруғ бўлмас ҳеч қачон...***

## Қатра

# МУНОЖОТ

— Энди гап бундай жўралар...

Ҳамма даврани бошқариб ўтирган кишига қаради. Дарёмурод ака бўлса санъаткорлар ўтирган томонга ишора қилиб, сўзида давом этди:

— Фарҳоджонга минг раҳмат! Укамиз яхши кунларимизда хизмат қилаверсин. Энди, илтимос қилсак, “Муножот”ни айтиб берсалар...

Даврадошлар Дарёмурод акани қўллаб-қувватлашди:

— Барака топинг, Фарҳоджон!

— Шу йигитчанинг фарз тўйида ҳам хизмат қилгайсиз.

— Комилжоннинг руҳи қўлласин!

Тўладан келган, қаддиқомати келишган созанда йигит боғдош қуриб ўтирганича торини қўлига олиб, созлаган бўлди. Ёнидаги шерикларига маъноли қараб қўйди. Доирачи доирасини қиздириб келди. Сал ўтмай сеҳрли бармоқлар тор устида ўйнай кетди. Шалоладай қуйилаётган куй бир лаҳзада давра аҳлини ром этди. Ҳамманинг нигоҳи торни сайратиб, ширали овоз билан куйлаётган йигитда эди:

**Лаҳза-лаҳза чиқдим-у,**
**чекдим йўлида интизор,**
**Келди жон оғзимға-ю,**
**ул шўхи бадхў келмади...**

Қўшиқ баланд пардаларда қўшиқ юракларга далда бағишлаб, торнинг сеҳрли оҳанги дилларни аллалар, баъзиларнинг киприклари намланиб улгурган эди. Қўшиқ қанотида кимдир ҳаётида юз берган ғуссали кунларни, йўқчиликда қийналган пайтларини, дўстим деб юрган энг яқин одамининг хиёнатини, кимлардир хазон бўлган биринчи муҳаббатини ўйларди. Қодир бўлса яқинда сўнгги йўлга кузатган умр йўлдошини ўйлаб, унинг ҳаётдан бевақт кўз юмганига сира-сира ишонгиси келмасди. Қулоғи остида Райҳонанинг айтган сўзлари: “Яхши кунларимиз олдинда, Қодир ака. Орзуларимиз ушалади. Фарзандларимизнинг тўйларини ўтказамиз”. Қодир ғамгин бош чайқади “Эҳ, ҳаёт! Бунча шафқатсизсан! Одам боласи ҳамиша елиб-югуради-ю бир куни осойишталик бағрига сингиб кетишини ўйламайди. Ҳаммамиз бу дунёга меҳмонмиз”.

Қўшиқ баланд пардаларда авжга чиқар, ҳамон “Эшилиб, инграниб тўлғанар, асрлар ғамидан сўйлар” эди. Ниҳоят тугади, аммо унинг сеҳри ҳамон юраклардан кетмас, ким нима деб сўз бошлашини билмасди.

Шу пайт дўрилдоқ овоз эшитилди:

— Бизни кечирасиз, хонанда укам. Тўғри ишдан чиқиб бу ёққа келавердик. Қоринни “заправка” қилиб олдик-да. Лекин яхши қўшиқ айтдингиз шекилли, қулоғимга созингизнинг тинғир-тинғири эшитилиб турди. Ўлай агар, мазмунига тушунмадим. Келмаса келмас, дедиму қовурдоқ билан балиқдан туширдим. Мана бу акамга лўпиллатиб бир коса ароқ қуйиб берсам, қарагиси ҳам келмайди...

Ўтирганлар савол берган кишига қарашди. Хонанда йигит бундай бўлишини кутмаган эканми, терлаб кетди. Кимдир унинг елкасига қоқди: “Эътибор берманг бу ўзи шунақа...”.

Даврадан файз кетди. Дарёмурод ака ёнидаги ёши улуғ кишига ишора қилди:

“Бир фотиҳа ўқинг, турайлик!”

Қодир ёлғиз пиёда кетди. Тавба! Бояги кишининг гапини қаранг! Ахир хонанда қўлидаги тор ҳам йиғлай деб турибди-ю бу одамнинг сўзи... Бир тўйда мен ҳам эҳтирос билан шеър айтиб турганимда, тўқликка шўхлик қилиб диққатимни бўлишган эди. Эҳ, нафс бандаси! Бир ёзувчи тўғри айтган — туяга бир қучоқ янтоқ билан оқвош бўлса бўлди. Сиз билан биз гул ундириш ишқида юрган одамлармиз. Одамда фаросат бўлмаса қийин.

Яхшигина ўтиришган эди. Қўшиқ ҳаммани сеҳрлаганди. Ишқилиб, қўшиқчи йигитнинг кўнгли чўкмаган бўлса бўлди. Шоли курмаксиз бўлмайди-ку. Ҳаётда ҳар хил одам бор. Комилжон Ониёзов Махтумқули шеъри билан айтадиган машҳур қўшиқдаги байт беихтиёр ёдига келди: “Ҳар кишининг аслин билай десангиз, маъракада ўтириб туришин кўринг...”

**Абдулла САФОЕВ**

# ЁШ КУЛОЛ



Сурхондарёлик Ўткир Асроровнинг болалиги отаси — Ўзбекистон халқ устаси кулол-рассом Қудрат Асроров устахонасида кечди. Дунёга келаётган ҳар бир санъат асари кичкинтой Ўткирнинг нигоҳидан ўтар, мўъжиза яратаётган отаси қўллари ҳаракатини ҳайрат билан кузатарди. Ана шу кузатишлардан кўзи пишган Ўткир саккиз ёшидан хум, кўза, гулдон ва тунги чироқлар учун тагликларни худди катта усталардай ясай бошлади. Кейинчалик фақат кулолчиликни эмас, балки ҳайкалтарошлик санъатини ҳам жиддий ўрганишга киришди. Устозлари Камол Жабборов, Улуғбек Қурёзов ва отасидан ҳайкалтарошлик сирларини ўзлаштирди. Алишер Навоий, Амир Темур, Бобур, Жалолиддин Мангуберди, Алпомиш каби буюк сиймолар ҳамда “Чеча”, “Бахши”, “Рақс”, “Чоллар суҳбати”, “Она ва бола” мавзуидаги ўнлаб ҳайкалчалар орқали ўз истеъдодини намойиш этди. Бора-бора унинг асарлари мутахассислар ва мухлислар эътиборини торта бошлади. Ўткир Асроровнинг тиришқоқлиги, изланувчанлиги муносиб тақдирланиб, “Иқтидорли болалар” кўрик-танлови вилоят босқичида, 2002 йили “Ташаббус” кўрик-танлови туман босқичида, 2006 йили “Келажак овози” танлови вилоят босқичларида муносиб ўринларга сазовор бўлди. Ўткирнинг ижодий ишлари асосан буюк тарихий сиймоларни акс эттирувчи бюстлар, миллий анъаналаримиз руҳи сингдирилган ҳайкалчалардан иборат.

Ижодий жараён ҳам бамисоли оқар дарё, унинг тўхтаб қолмасиги, мавжланиб оқиши ижодкорнинг ўзига боғлиқ. Кимки изланса, машаққатлардан чўчимаса камол топиши шубҳасиз. Буни Ўткир Асроровнинг ижодий ютуқлари ҳам кўрсатиб турибди. Унга янги ижодий парвозлар тилаймиз.

**Д.БЕРДИЕВА**

## Дунё — кенг...



### СИРЛИ САНТА-КЛАУСЛАР

*АҚШнинг Вермонт штати Ратленд шаҳрида ҳақиқий Санта-Клаус пайдо бўлди, дея хабар тарқатади Associated Press ахборот агентлиги.*



Гувоҳларнинг айтишича, Санта-Клаус уларга пул ва табрик қоғози солинган конвертлар совға қилган. Шунингдек, маҳаллий газеталардан бирида эълон қилинган аноним мақолада янги йил арафасида одамларга совға улашувчи ҳақиқий Санта-Клаус ҳақида сўз юритилган. Американиклар бундай сахий Санта-Клаусларга аввал ҳам кўп марта дуч келишган. Ана шундай “сирли Санта-Клаус”лардан энг машҳури миллионер Ларри Стюарт эди. Канзас-ситилик Ларри 26 йил давомида янги йил арафасида кўчаларни кезиб, ёрдамга муҳтож кишиларга совғалар, хайриялар улашган. “Сирли Санта-Клаус”нинг номи унинг ўлимидан сал аввал маълум бўлганди. Шу йилнинг январ ойида саратон касалидан вафот этган Ларри ҳаёти давомида одамларга 1,3 млн. доллар янги йил совғаси берган. Ҳозирча номаълум янги қорбобо “сирли Санта-Клаус”ларнинг тўртинчисидир.

### ЭНГ КЕКСА ТАЛАБА

*Эллик йил давом этган танаффусдан сўнг АҚШлик фуқаро университетни тугатиб, дипломга эга бўлди. 87 ёшли қора танли Кларенс Гарретт ўтган йили Висконсин-Милуоки университетида ўқишини қайта тиклаган эди. Диплом топшириш маросимида “талаба”нинг оила аъзолари, фарзандлари ва набиралари ҳам иштирок этди, дея хабар беради Associated Press ахборот агентлиги.*



Иккинчи жаҳон уруши фахрийси Гарретт айнан уруш сабаб эллик йил олдин ўқишни ташлаб кетганди. Аввалига Кларенснинг фарзандлари, кейинчалик набиралари ҳам институт, университетларда ўқиб, олий маълумотли бўлишди. Бундан руҳланиб кетган қария Гарретт ҳам орадан ярим аср вақт ўтганига қарамай, ўқишини тиклаб энг кекса талаба номини олди.

### ОДАМДАН ҚОЧГАН ИТ

*Ҳиндистоннинг Керала штати Паккакадаву шаҳрида яшовчи фуқаро ўрдагини ўғирлаб қочган итни тутиб, тишлаб олди, дея хабар тарқатди Reuters ахборот агентлиги.*



Ҳайратланарлиси, ит қутурган экан. Ит ўрдакни олиб қочаётганда эгаси кўриб қолган ва итнинг ортидан қувиб кетган. Парранданинг эгаси қутурган жониворни ерга ётқизиб, бўйнидан тишлаган. Шундан сўнг одам ва ит ўртасида шиддатли олишув бошланган. Ёрдамга етиб келган одамлар уларни ажратиб қўйишган ва итни ўласи қилиб калтаклашган.

Жабрланган киши зудлик билан шифохонага ётқизилган. У ҳозирда қутуриш касаллигига қарши эмланмоқда.

Эслатиб ўтамиз, Керала Ҳиндистоннинг дайди итлари энг кўп тарқалган штати ҳисобланади. Авваллари ҳам қутурган итлар одамларга тез-тез ташланиб турарди. Лекин одамнинг итга ҳужум қилиши ҳеч қачон кузатилмаганди.

Тошкент шаҳар Юнусобод туманидаги «Машинасозлар» (собиқ СПТУ-22) коллежи томонидан 1988 йил 13 июнда Мамадалиева Гулноза Неъматовна номига берилган Б № 120457 рақамли диплом йўқолганлиги сабабли
**бекор қилинади.**

МУАССИСЛАР: ЎЗБЕКИСТОН РЕСПУБЛИКАСИ МАДАНИЯТ ВА СПОРТ ИШЛАРИ ВАЗИРЛИГИ, ЎЗБЕКИСТОН ЁЗУВЧИЛАР УЮШМАСИ
* * *
НОШИР: “ШАРҚ” НАШРИЁТ-МАТБАА АКЦИЯДОРЛИК КОМПАНИЯСИ
ҲОМИЙ: “МАТБУОТ ТАРҚАТУВЧИ” АКЦИЯДОРЛИК КОМПАНИЯСИ

O'zbekiston adabiyoti va san'ati

Манзилимиз: Тошкент — 700083, Матбуотчилар кўчаси, 32
Қабулхона — 133-52-91
Котибият — 136-56-50
Электрон манзилимиз: uzasziyoli@list.ru
Танқид ва адабиётшунослик бўлими: 133-49-93 Санъат бўлими: 136-56-48
Ижтимоий ҳаёт бўлими: 136-58-55 Назм ва наср бўлими: 136-58-55

Бош муҳаррир Аҳмаджон МЕЛИБОЕВ

Таҳририятга келган қўлёзмалар таҳлил этилмайди ва муаллифларга қайтарилмайди. Муаллифлар фикри таҳририят нуқтаи назаридан фарқланиши мумкин.
Навбатчи — Иқбол ҚЎШШАЕВА
Саҳифаловчи — Байрамали МУҚИМОВ

«Шарқ» нашриёт-матбаа акциядорлик компанияси босмахонаси.
Босишга топшириш вақти — 20.00. Босишга топширилди — 20.45.

Газета Ўзбекистон Матбуот ва ахборот агентлигида 058-рақам билан рўйхатга олинган. А — 3306. Буюртма Г — 1149. Ҳажми — 5 босма табоқ. Нашр кўрсаткичи — 222. Ташкилотлар учун — 223. 1 2 3 4 6 7 8

ЖУМА КУНЛАРИ ЧИҚАДИ.
СОТУВДА НАРХИ ЭРКИН